

13  
И 48

130.3(04)


Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ  
Улуғбек САИДОВ

**МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
АСОСЛАРИ**

*Ўқув қўлланма*

2063491



«Akademiya» нашриёти  
Тошкент 2005

206

130.3 (075.8)

М.Имомназаров, У.Саидов. Миллий тараққиётнинг  
маънавий-ахлоқий асослари (ўқув қўлланма).  
«Akademiya» нашриёти. — Т., 2005. — 80 б.

**Масъул муҳаррирлар:**

филология фанлари доктори,  
профессор Нажмиддин Комилов,  
филология фанлари номзоли  
Шухрат Ризаев

U'QUV ZALI

**Тақризчилар:**

филология фанлари доктори  
Зоҳиджон Исломов,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор Усмон Қорабоев

«Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2005 й.

10'000 7111

**Маънавий янгиланиш, миллий маънавий негизларга  
таяниш — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш,  
мамлакатни ислоҳ этишнинг зарурий шarti**

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан ўзи танлаган тараққиёт ва ислоҳотлар йўлидан собитқадамлик билан олға бормоқда. Бош мақсад эса жамиятни янгилаш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдир.

Тарихдан маълумки, бир ор халқ ҳаётида тарихий бурилиш содир бўлаётган даврларда давлат ва жамият янги истиқболлар сари бориши учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ тарзда ўзгартириш лозим бўлади. Ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар эса ҳар бир шахснинг, барча фуқароларнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади.

Демак, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидан тезкорлик билан силжишга руҳий қувват берадиган аждодларимизнинг бой ва теран маънавий меросидан, миллий маданиятимизнинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш ва уларга таянган ҳолда иш олиб бориш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Биз бугун улкан имкониятлар даврида яшамокдамиз. Бироқ уларни реал воқеликка айлантириш йўлидаги ғов ва хавф-хатарлар ҳам бисёр. Бу ғовларни бартараф этиш ва барча имкониятларни ишга солиш учун, аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур. Чунки кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор қолиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда қўл ушлашиб келадиган янгидан-янги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январь куни бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузасида ушбу масала хусусида тўхталиб, шундай деди: "...Бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга ош ирилиши даркор"<sup>1</sup>. Қолаверса, жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди"<sup>2</sup>.

Зеро миллий маънавий ят миллатнинг ўтмиши, бугуни ва кела-

жагини қамраган ҳолда, уларни бир тизимда тутиб туради. Халқимизнинг асрлар мобайнида сайқал топиб, ривожланиб келган қадриятлари, аждодларимизнинг меросида мужассам бўлган маънавий асослар бугунги жаҳон тараққиёти даражаси билан уйғунлаштирилган ҳолда ҳаётга тадбиқ этилсагина, келажак куртаклари униб чиқади, олий мақсадимиз бўлган маънавият ва маърифат тантана қилган демократик фуқаролик жамияти сиймоси шаклланади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақиллик шароитида маънавият масалалари ўта долзарблик касб этди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов 2002 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида яна бир бор бу масалага эътиборни қаратиб, шундай деди:

“...Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавий ва маърифий соҳада, шахсан мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи лозим”<sup>3</sup>.

Хўш жамиятнинг маънавият янгиланиши деганда нимани тушунмоқ керак? Маънавий янгиланишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Юрғбошимизнинг 1992 йилда эълон қилинган ва дастурий аҳамият касб этган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобининг “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланган алоҳида бобида кўрсатилган тўрт асосий негиз бунинг асосий мазмунини очиб берган:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир-бирини тақозо этган ҳолда, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти куришда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Зеро демократияни ўз тақдирининг ўзгалар, бутун жамият ва

хатто бутун инсоният тақдирига дахлдорлигини чуқур хис этган, асрлар синовидан ўтиб, инсонлик моҳиятини ўзида мужассам этган маънавий қадриятлар онгу қалбига синган, ўз фикри ва салоҳиятини эркин ва фаол намоён эта оладиган, ўз яшаш макони — Ватанининг равнақи йўлида жон фидо бўлишга тайёр бўлган шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг қуйидаги сатрлари ёдга тушади:

*Ҳоқимо ҳам дедилар, шахни тенгиз, хайли ариқ,  
Ул ачиқдур бу ачиқ, ул чучук улса бу чучук.*

Навоий наздидаги шохни давлат рамзи деб олсак, халқнинг, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳолатини белгилаши аён бўлади. Агар ариқ, дарё, яъни халқ табиати аччиқ бўлса, яъни маънан барқамол, турли иллатлардан фориғ бўлмаса, унинг сувлари қуйилган денгиз-давлат ҳам аччиқ, яъни унда адолат, меҳр-шафқат, эзгулик бўлмайди ва аксинча.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш йўлидаги устувор йўналишларидан бири ва энг муҳими сифатида “барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони”<sup>4</sup> эканлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистонда кечаётган демократик ислохотларнинг жамият маънавий янгиланиши билан боғлиқлигининг яна бир жиҳати бор. XX аср буюк ҳинд давлат арбоби Махатма Ганди: “Инсоният — бу ягона оила, бўлинмас оила. Унинг ҳар бир аъзоси содир қилган жиноят учун ҳар биримиз жавобгармиз”, — деган эди. У ёки бу миллат ёхуд давлат ана шу инсоният деган катта оиланинг ичидаги кичик оила. Ана шу оила аъзолари ўртасида баҳамжиҳатлик, маънавий муштарақлик бўлмас экан, улар Ганди сўзларида акс этган маънавий бурч хисси билан яшамас экан, ёруғ келажак ҳақидаги ўйлар хом хаёл бўлиб қолаверади. Зеро демократик ривожланиш барқарорлик ва ижтимоий ҳамкорликка таянади.

Одамлар маънавият ришталари билан боғлангандагина улар халқ, миллатга айланади. Чунки Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавият — инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли Ботиний куч”дир.

Маънавият маъхум тушунча эмас. У миллат, миллий тафаккур, миллатнинг тарихи, асрлар мобайнида тупланган билим ва тажрибаси, тушунчалари, тасаввурлари билан боғлиқ. Француз маърифатчиси Жан Жак Руссо Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда халқда миллий характерни шакллантиришни биринчи вазифа деб билган эди. Чунки унинг наздида, “Ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланидиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак”. Ж.Ж.Руссонинг фикрларини бугунги кун тўқтаи-назаридан талқин қилсак, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, адолатли, маънавияти юксак инсонлар жамиятини қуришда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аввало, миллий менталитетни инобатга олиш кераклиги маълум бўлади.

Демак, Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлида ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлагани ҳаётий зарурат бўлиб, бу ишни жамиятни маънавий янгиламай амалга ошириб бўлмайди.

1983 йили жаҳоннинг 29 минтақаси олимлари, жамоат арбобларидан иборат “Гуманитар муаммоларни ўрганиш бўйича халқаро комиссия” тузилди. Комиссия XX асрдаги гуманитар вазият ва уни так омилаштириш устида изланди. Жазоир, Швейцария, Польша, Австрия, Хитой, Хиндистон, Мексика, Эрон, Швеция, Япония — жами 29 мамлакатнинг маърифатпарварлари дунёдаги гуманитар муаммоларни амалий ўрганди. “Инсоният ахлоқи”, “Глобал масалалар” (яъни, экология, кашшоқлик, қуролланиш, терроризм, наркомафия), “Оммавий қирғин қуроллари”, “Қуролли тўқнашувлар”, “Дайди болалар”, “Озиқ-овқат инқирози”, “Фавқулудда вазиятлар”, “Урушлар” каби салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб, барча муаммолар инсоний туйғулларнинг сусайиши, маънавий қашшоқлашиш билан боғлиқ экани эътироф этилди. Уларнинг тўрт йиллик меҳнати натижаси бўлган китоб “Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?” (Нью Жерси, 1989) деган изтиробли ном билан жаҳон тилларида нашр қилинди.

Китобда кўтарилган “Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?” деган масала БМТ Бош ассамблеясининг “Янги халқаро гуманитар тартиб тўғрисида”ги резолюциясининг қабул қилинишига асос бўлди.

Китобда одамларнинг бир-бирларига ғайриинсоний муносабатла-

ри, очкузлик, халқ манфаатларини унутиш, мансабпарастлик, шовинизм. бир қатламнинг ўта бойиб, бошқаларнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиши, ўзгаларнинг ер-суви, табиий бойликларига кўз олайтириш каби иллатлар танкид қилинди.

Бундан маълум бўладики, маънавий кадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундайдиган юксак аъмолларга эътибор сусайганда, жамият, давлат ва бугун инсоният тараққиётдан тўхтайдди, инқироз томон юз тутади. Буюк бобомиз Алишер Навоий бундан беш аср олдинок бу фикрни шундай ифода этган эди:

*“То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас”.*

Шундай экан, мамлакатимиз келажаги, демократик ислохотлар тақдирини кишиларнинг, бугун халқнинг онги, маънавияти даражасига боғлиқ.

Собиқ тоталитар тузум даврида олиб борилган халқларни ялпи манқуртлаштириш сиёсати ўзбек халқини ҳам ўз тарихидан, маданиятидан, маънавий қувватидан, миллий ҳиссиётидан, ўзлигидан айиришга анча-мунча улгурди. Советлар давридан қолган бундай оғир “мерос” ҳақида кейинчалик Президент И.А.Каримов шундай фикр билдиради: “Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манқуртларга таянар эди”<sup>5</sup>.

Шукрларким, халқимиз онги ва қалбига чуқур сингиган минглаб йиллик маънавий кадриятларимиз, миллий анъаналаримиз уни зўрлик билан киритишга ҳаракат қилинган коммунистик мафқуранинг домига тўлиқ тушиб қолишдан асради. Аммо Абдулла Қаххор таъбири билан айтганда, “ернинг шўрини ювиш осон экан-у, одамнинг онгидати шўрини ювиш қийин” эканки, “манқуртлик касали”нинг асоратлари баъзи кишиларимиз онги ва руҳиятида ханузгача сақланиб қолмоқда. Бу иллатдан қутулиш заруратини Президентимиз И.А.Каримов қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида Президент яна бир бор эътиборни қаратиб шундай деди: “Шуни тан олишимиз керакки, биз мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафқураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан халос бўлаяпмиз”<sup>6</sup>. “СССРнинг

соясси Собик иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кутарилган эмас экан, бунини биз доимо инобатга олишимиз. ҳамиша сергак ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур”<sup>7</sup>.

Шундай экан, эркин фуқаролик жамиятини қуришда тарихни, аждодларимиз қолдирган маънавий меросни урганиш ва амалда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихимиз қанча кўп ўрганилса, ундан бугунги маънавият, гоъвий ислоҳотлар учун шунча кўп амалий тавсиялар чиқаверади. Ҳазрат Навоийнинг “Озод бўлмоқ истасанг, ўзингни озод тут”, деган сўзлари бутунги воқелик билан боғлиқ эмасми? Ёки яна бир мисол.

Ўрта асрлар тиббиёт илмининг бир тармоғи маънавият тиббиёти, деб аталган экан. “Маънавий тиббиёт” деган битта номда Ал-Канди (800-860), Абу Бакр Ар-Розий (865-925), Абу ал-Фарах Абу ар-Раҳмон ибн Жавзий (вафоти 1201), Абу Исҳоқ Ироҳим ибн Юсуф Аш-Шерозий (вафоти 1093) каби кўплаб Шарқ алломалари ўз китобларини ёзиб қолдирганлар. Тан табобати инсон жисми билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даволаш билан шуғулланган бўлса, маънавий тиббиёт инсон қалби, онгини иллатлардан фориғ этишга, инсоний фазилатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тарихнинг аччиқ сабоқларидан яна бири шуки, маънавият, ахлоқ-одоб инсон ҳатти-ҳаракатларининг, фаолиятининг, эҳтиёжларининг мезонига айланмай туриб, жамият биронта муаммоларни самарали ҳал этиши ва ижтимоий тараққиётга эришиши мумкин эмас.

Туркистон ўлкасининг XIX аср 70-йилларида Россия империясининг мустақлақасига айланиши бунинг ёркин мисоли бўла олади. Халқимиз тарихидаги бу қайғули ҳодисанинг кўп-таб сабабини келтириш мумкин. Аммо, энг асосийси, жамиятнинг руҳий эврилишга учрагани, элга бош бўлиши лозим бўлган ҳукмдорлардан тортиб, бой ва уламоларгача ўз шахсий манфаат доирасида ўралашиб қолганлиги, истиқлол учун курашган зиёлиларнинг сай-ҳаракатлариға қарамай, жамият кишилари бирлаша олмагани эканлиги, десак хато қилмаймиз. Зеро XX аср бошларида тараққийпарвар зиёлилардан бири айтганидек, “Инсоний дунёда яшашмоғи учун молу жонға эҳтиёжи бўлса-да, дунёни иззати ва охирагининг саодати учун восила бўлунган илму адабға зикдарок эҳтиёжи бордур. Молу жонни илму адаб бирла мағрун бўлмаганлари ҳолда дунёда сабаби таъну лаъни мардумон ва охирада балойи жон бўлувлариға шубҳа йўқдур”<sup>8</sup>.

Азалдан бирор халқ ўз ҳаётида тарихий ўзгариш яшашга қарор



килар экан, унинг аъзолари орасидаги узаро ғоявий бирлик, маслакдошликни таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилган. Абдулла Қодирий ўзининг қахрамони Юсуфбек Ҳожи тили билан бу ҳақда шундай дейди: “Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди...”

Тарихий тараққиёт йўлида инсоният тўплаган тажриба ва сабоқлар маънавий мезон ва қарашлар тизими сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. И.А.Каримовнинг тарихчи олимлар билан суҳбатда: “Тарих — халқ маънавиятининг асосидир”, деб айтган сўзларининг мазмун-моҳияти ана шунда.

Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, хатолардан рухий эврилишдан асрайди. Бирок таъкидлаш жоизки, маънавият фақат мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтадиган тарихий кадрият бўлмай, доимий ривожланиб, янги давр кадриятлари билан бойиб, уйғунлашиб борадиган, доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг аънавий кадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада раванқ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир”<sup>9</sup>. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг тўрт асосий маънавий негизлари ичида “умуминсоний кадриятларга содиқлик” алоҳида ўрин тутаяди. Бугунги кунда мамлакатимиз раванқини ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган демократия, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, эркин бозор муносабатлари, сўз эркинлиги каби умуминсоний кадриятларсиз таса ввур этиб бўлмайди.

Давлат ва жамият келажагини руҳияти соғлом, ўзлигини англаган шахслар белгилайди. Зеро киши шахс даражасига кўтарилсагина, яъни ўз мустақил фикрига, дунёқарошига, чинакам инсоний фазилатларга эга бўлганидагина, “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва химоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”<sup>10</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсад этиб белгиланган бир пайтда демократик тамойилларни эгаллаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шахс эркинлигини амалда жорий этиш, сиёсий жараёнларни эркинлаштириш, демокра-

тик меъёрлар асосида кўппартиявийлик тизимини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич жамоат ва ўз-ўзини бошқариш ташкилотларига ўтказиш каби вазифалар умуминсоний қадриятларни ўзида ифода этган ҳолда маънавият билан туташади.

Янги даврда жаҳондаги илғор мамлакатларда шаклланган демократия ва фуқаролик жамияти асосий қадриятлари — халқ хоқимияти, фуқаролар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат, сиёсий қарорларни қабул қилишда кўпчиликнинг иродасига таяниш, озчилликнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг қасолатланиши, эркин ҳамда адолатли сайловлар тизимининг жорийланиши, барчанинг қонун олдида тенглиги, хоқимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби қадриятлар халқнинг, ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзи, маънавияти, маданиятининг узвий ва ажралмас қисмига айлангандагина демократик жамиятни куриш реал воқеатка айланади.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш лозим бўлади. Бугун биз жамиятни ислоҳ этиш йўлидан борар эканмиз, ақл билан иш юритишимиз ва қўлга киритилган ютуқларни авайлаб асрашимиз керак. Зеро башарият тарихи кўп мартаба далолат берадики, демократиянинг анархияга ёки мустабидликка айланиши жуда осон.

XVIII асрнинг таниқли француз файласуфи Жан Жак Руссо: “Демократия золимларни дунёга келтиради”, — деб ёзганда айни шу хавфга ишора қилади. Қадим юнон файласуфи Афлотуннинг бу борадаги огоҳ этувчи фикрларини келтириш ортикча бўлмайди назаримизда. “...Мустабидлик, албатта, бошқа тузумдан эмас, айни демократиядан пайдо бўлади, бошқа сўзлар билан айтганда. Ута қатта эркинликдан энг даҳшатли ва энг зулмкор қўллик дунёга келади... Демократияни шундай касаллик емирадики, менинг фикримча; унинг асосий белгиси саъй-ҳаракатсиз ва исрофгар одамларнинг пайдо бўлиши. Биз уларни ариларга ўхшатдик... Энг захарли арилар сафсата сотиб ҳаракат қиладилар, қолганлари эса минбарга яқинроқ ўтириб олиб гувиллайдилар ва биронтаси бошқача гапиришига йўл қўймайдилар. Охир-оқибат, тўхматчилар томонидан алданган халқ ёмонликдан эмас, адаштирилгани учун уларга қарши бош кўтарса, улар зулм йўлига ўтадилар... Демак, шунинг ўзидан маълум бўладики, золим пайдо бўлса, у айни шу илдиздан, яъни халқ сайлаган вакил сифатида униб чиқади... Қўл остида ута итоаткор гўда бўлганидан кейин, у ўз қавмининг қонини тўкишдан ўзини тиярмиди? Аксинча, у адо-

латсиз айбномалар билан уларни судга беради ва одам қонини тукиб гуноҳга ботади. Одамларни жазолар экан, у бир пайтнинг ўзида уларга қарзларини бекор қилиш ва ер беришни ваъда қилади... Халқ йулбошчига эҳтиёж сезиши учун унинг биринчи навбатдаги иши фуқароларни аллақандай урушларга жалб этиш бўлади... Агар кимнингдир эркин фикрликда ва унинг ҳокимлигини инкор этишда гумон қилса, уларни душманга сотилганликда айблаб йўқ қилади... Золим уларнинг ҳаммасини йўқотишга мажбур бўлади ва охир-оқибат бирон ишга яроқли на дўсти ва на душмани қолади... Ниҳоят, у ё ўзини ёмон кўрган аблахлар тудаси билан умр ўтказишга ёки ҳаёт билан видолашишга мажбур бўлади..” Бундан қарийб 2,5 минг йил аввал айтилган бу огоҳлантиришнинг нақадар ҳаётий эканлигига собиқ СССРда кечган жараёнлар ёркин далил бўла олади. Демократия шиорлари остида олиб борилган сиёсат ортида алоҳида шахсни кўпчиликнинг иродасига бўйсундириш амалиёти яширинган эди. Алоҳида шахснинг манфаати ва ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя этилмаган ҳолда эса, ҳар қандай ҳокимият, ҳатто демократия шаклидагиси ҳам осонлик билан авторитаризм ва тоталитаризмга айланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни модернизация қилишга қаратилган ислохотларнинг барча мақсад ва йўналишлари “Кучли давлатдан — кучли жамият сари” тамойилини акс эттириши ислохотларнинг ҳуқуқий базасини яратилиши, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигига эришишга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, “Независимая газета” мухбирига берган интервьюсида Юртбошимиз ҳокимият тепасига ёлғон “дохий”лар келишининг олдини олишнинг биринчи чораси “аста-секин тўпланиб борадиган норозилик кайфиятининг” олдини олиш, мамлакатда адолат қарор топтириш, “биринчи навбатда, фуқаролар манфаатини, жумладан, уларни давлат тазйиқидан ҳам ҳимоя қиладиган орган бўлиши керак”лигини алоҳида таъкидлади. Айтиш лозимки, ана шу ўринда маънавиятнинг ижтимоий-сиёсий характери, ҳуқуқ билан туташ нуқтаси намоён бўлади. Қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги — демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири сифатида маънавият билан уйғунлашади. Зеро киши маънавиятнинг ифодаси бўлган инсоф, ўзгаларга нисбатан ҳурмат-иззат, ҳалоллик ва ҳ.к. емирилса, яъни бир одам бошқаларнинг ҳуқуқини бузса, қонун ишга тушади ва кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақ эканлигини адолат тарозисига ўлчаб беради.

Бирок, қонунлар адолат тамойилларига таянса-да, адолат туйғуси кишиларнинг онги ва қалбидан ўрин олмаса, яъни маънавийят киши хатти-харакатларининг бош мезонига айланмас экан, жамиятда демократик муносабатларнинг мустаҳкам ўрин олиши мумкин бўлмайди. Алишер Навоий айтганларидек:

*Иш эрур улким, ўзи они қилур,  
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.*

Акс ҳолда, яна Ҳазрат дейди:

*Агар эл қилмади ҳимоят санга,  
Ўзингдан керакдур шикоят санга.*

Жамиятда қонун устуворлигига эришиш учун қонунларга риоя этиш мажбуриятга эмас, фазилаатга айтанмоғи лозим. Бунинг учун одамларни демократияга ўргатиш зарур, токи киши шахсий жавобгарлик ҳиссини туйсин, ахлоқ меъёрларига риоя этиш унинг учун ички заруратга айлансин. Шунда инсон маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чоғланади. Шу нуқтаи назардан инсон руҳий қувватининг рамзига айланган улў Сукротнинг ҳаёти ва ўлими тарихи сабоқ бўла олади. Шарқу ғарб алломалари ўзларини ва ўз даврларини англашга ҳаракат қилишар экан, такрор ва такрор Сукротга мурожаат этишган. Сукрот даври билан бугунги кунни қарийб 2,5 минг йил ажратиб турган бўлса-да, биз ҳам яна бир бор бу улў сиймони эсласак фойдадан холи бўлмас.

Бир гуруҳ кишиларнинг фитнаси туфайли у фуқаролик меъёрларини ва ёшлар тарбиясини бузганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилган эди. Ҳукм ижросини кутаётган Сукротга шогирдлари қамқдан қочишни таклиф этишади. Гарчи ҳукм адолатсиз бўлса-да, Сукротнинг фикрича, ҳар қандай, хатто энг юксак ва адолатли мақсад ҳам, унга эришмоқ йўлидаги паст ва жинойий воситаларни оқламайди. “Бизни ўлдиришга қодир бўлган кўпчилик бу фикрга қўшиладими, қўшилмайдами, бундан биз кўпроқ ёки камроқ озор чекамизми, барибир, адолатсиз иш уни қилган киши учун ҳар қандай шароитда шармандалиқдир”, — дейди у шогирдига, — агар биз бу ердан жуфтакни ростлашга шайлансагу, Қонун ва Давлат рўпарамиздан чиқса-да, сўраса: “Айт-чи, Сукрот, нима қилмоқчисан? Ўз қилмоқчи бўлган ишинг билан бизни, қонунларни ва бутун давлатни ҳалок қилмоқчимисан? Ёки суд ҳукмлари ҳеч қандай кучга эга бўлмаган, балки улар алоҳида одамларнинг истаги билан бекор қилинадиган дав-

лаг бутун ва беэён қолиши мумкин деб ўйлайсанми? Ўз юртини севган ва чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот учун қамокдан қочиш бутун ҳаёти давомида ўзи риоя этган қоидаларга, ўз ишига, демак, Ватанига хиёнат бўлар эди. Афина давлатидаги у ёки бу тартиблар билан келишмаган бўлса-да, чинакам ватанпарвар бўлган Сукрот ўлимни афзал кўради.

Демак, жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатнинг бош таянчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш учун “инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор”лигини таъжидлаб келмоқда.

Маънавият инсон руҳиятида воқе бўлади. Шунинг учун у, аввало, алоҳида олинган инсон билан боғлиқ тушунча. Аммо инсон жамиятдан ажралмас бўлиб, жамиятдан ташқарида ўз инсонлик моҳиятини йўқотар экан, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борликка дахлдор қилади. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. “Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшгандагина маънавият билан туташади”<sup>11</sup>. Демак, инсоннинг комиллик даражаси унинг жамиятдаги ўз ўрнини қанчалик ҳис этиши билан белгиланади. Шундагина инсон ўзининг кадр-қиммати халқнинг, миллатнинг кадр-қиммати билан нечоғли боғлиқ эканлигини, жамиятда, юртида содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлигини англайди. Юртимиз мустамлакачилик асоратига тушган XX аср бошларида юрт қайғусида ёнган Фитрат ўлканинг бошига ёғилган балоларда, аввало, ўзини айбдор деб ҳисоблагани беҳиз эмас. Амир Темур руҳига мурожаат этиб, у шундай ёзган эди: “Юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим.

*Сенинг Туронингни ўзим талатдим,  
Сенинг турклигингни ўзим эздирдим,  
Сенинг омонатларингга ўзим хиёнат қилдим”<sup>12</sup>.*

Шу эмасми комилликнинг белгиси? Миллий ўзлигини англаган инсонгина, Фитрат каби:

*Туроним, сендан айрилмоқ — менинг учун ўлимим,  
Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир, —* дея баралла айта олади. Нажмиддин Кубро сингари жонини, ҳаётини аямас-

дан ёв босган юртини химоя қилиб, жон таслим беришни афзал қўради.

Бугунги кунда ҳар қандай миллий тикланиш ва миллий ривожланишнинг асоси бўлган маънавий мерос, урф-одағлар, анъаналар, юксак кадриятлар, тарихий хотира халқимизга қайтарилди. Миллий ўзлигини, ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бораётган халқимиз учун буюк келажакни барпо этиш йўлида бой имкониятлардан фойдаланиш, барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожланишга, Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий жамият қуриш ишига йўналтиришга сафарбар этишдек улкан имкониятлар яратилди.

### Инсон ҳаётининг маъноси

Фикр юритувчи ҳар бир инсон, албатта, ўз ҳаётининг маъно-мазмунини, моҳияти ҳақида бир кун эмас, ҳар кун ўйлаб қолади. Бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад нима, деган саволни ўзига ўзи беради. Дарҳақиқат, инсон ҳаётининг маъноси борми, у нега яратилган ўзи?

Буюк мутафаккир аллома, шайх Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирдларидан Нажмиддин Доя (Абу Бакр Абдуллоҳ Асадий Розий) ўзининг 1223 йилда ёзилган “Мирсод ул-ибод мин-алмабдаъ илал-маод” (“Аллоҳ бандаларининг бошланғичдан тугатлан ишгача бўлган ҳаёт йўли”) асарида ушбу саволга жавоб сифатида бир рубой келтиради:

*Мақсуди вужуди инсу жон ойина аст,  
Манзури назар дар ду жаҳон ойина аст,  
Дил ойинаи жамоли шоҳанишоҳ аст,  
Вин ҳар ду жаҳон гилофи он ойина аст.*

Таржимаси:

*Инсон вужудидан мақсад кўзгудир,  
Ҳар икки жаҳонда эътиборга арзиғулик нарса кўзгудир,  
Кўнгил кўзгуси (Борлик) ҳукмдорининг жамолини акс эттирувчидир  
Ва ҳар икки жаҳон ушбу кўзгунинг гилофидир.*

Аллоҳ инсонни икки жаҳонда азизу мукаррам қилиб яратди. Бутун моддий оламни унга бўйсундирди. Инсон вужудидан мақсад эса унинг кўнгил кўзгусидир. Чунки бу кўзгу Борлик

хақиқатини — Ҳақ жамолини ўзида акс эттириш қобилиятига эга. Бу табаррук ғоя турли кўриниш-ифодаларда улуғ алломаларимиз ижодида ўз аксини топган. Улар йўқ жойдан пайдо бўлмаган. Охириги ва бизгача мукаммал етиб келган илохий ваҳий бўлмиш Қуръони каримнинг “Нур” сураси 35-ояти “Аллоҳу нур ус-самовоти ва-л-арз” (Аллоҳ осмонлар ва ернинг “нуридир”) деб бошланади ва давомида “Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни хидоят қилур” (Йаҳди-л-лоҳу ли-нуриҳи ман йашау) деб таъкид этилади<sup>13</sup>.

Маълумки, инсон мукаммал мавжудот эмас. Вақти келса, у энг кутурган хайвондан баттар ваҳшийлашиши ёки энг разил махлукдан ҳам баттар тубанлашуви мумкин. Аммо Аллоҳ ҳикмати шундаки, бегуноҳ фаришталар эмас, айна Одам насли ер юзида халифа қилиб яратилган. Аллоҳ таоло Одам Ағони яратишни ирода этар экан, фаришталарга “Мен ерда халифа яратмоқчиман,” — дейди (Бақара сураси, 30-оят). Қуръони каримда инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлиги ҳақидаги хабар яна қатор сураларда зикр этилади. “У сизларни ерда халифа қилиб қўйган зотдир”, — дейилади Фотир сураси 39-оятда. “Анъом” сураси 165-оятда, Юнус сураси 14-оятда, Сод сураси 26-оятда, Намл сураси 62-оятда, Нур сураси 55-оятда, Аъроф сураси 129-оятда ҳам шу мазмун ифодаланади. Шундай экан, Нажмиддин Доя келтирган фикрлар миллий маънавий меросимиз учун тасодифий эмас, балки етакчи фикрдир. Маънавият ҳақида сўз юритганда биз, аввало, ана шу табаррук ҳақиқатни фаромуш этмаслигимиз керак.

Аждодларимиз меросида сурат ва маъно, мажоз ва ҳақиқат ҳақида сўз боради. “Сурат” ва “мажоз” тушунчалари бу ўринда фоний дунёни, жумладан, инсон вужудини, “маъно” ва “ҳақиқат” эса боқийликни, Борликнинг боқий моҳиятини ифодалаш учун ишлатилади. Демак, инсон маънавияти унинг баҳога дахлдорлигини, ушбу фоний хилқатда акс этиши мумкин бўлган боқий ҳақиқатни, хуллас, фанода бақонинг намоён бўлишини аниқлатади.

Ҳар қандай ҳодисани назарий ўрганиш деганда, унинг моҳиятини турли нисбатларда кўриб чиқиш назарда тутилади. Маънавият бақонинг фанода зуҳури бўлганлигидан яхлит ва беҳудуддир. Демак, унинг ўзга ҳодисаларга нисбатлари ҳам чексиз бўлиб, инсон илми чексизликни яхлит қамраб олиши мушкул. На илож, шу чексиз нисбатлар аро биз учун энг долзарб ва муҳимларини танлаб олишга тўғри келади.

## **ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ УЧ СОҲАСИ** (ёки инсон фаолиятининг уч йўналиши)

### **ИҚТИСОД**

(Инсоннинг моддий воқелик (атроф-табиат)  
билан амалий муносабати)

### **сиёсат**

(Ҳар бир инсоннинг ўзга инсонлар  
билан бевосита муносабати)

### **маънавият**

(Инсоннинг Ҳаққа, борлиқнинг  
моҳиятига муносабати)

(Ушбу соҳалар инсоннинг борлиқ билан турли муносабатларига оид бўлиб, улардан ҳар бирининг манбаси ҳам, мақсади ҳам алоҳидадир.)



## МАЪНАВИЯТ НИМА?

(Маънавиятнинг турли нуктаи назардан таърифлари)

<p>А) Маънавият — иктидор яратувчилик қуввати сифатида</p>	<p>«Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир».</p>
<p>Б) Маънавиятнинг қудратини изоҳловчи таъриф</p>	<p>“Маънавият — инсонни рухий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойиқтадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”.</p>
<p>В) Маънавиятнинг аждодларимиз меросида акс этган рамзий таърифи</p>	<p>Маънавият — ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этиши.</p>
<p>Г) Маънавий камолотга жараён сифатида ёндашув («Ўзини англаб етган Роббинни англаб етди» деган ҳадисга мувофиқ)</p>	<p>Маънавият — улғикни англаш.</p>
<p>Д) Маънавиятнинг илмий таърифи (маънавият — маърифат йулларининг виждоний ҳулосаси сифатида)</p>	<p>Маънавият — инсон руҳидаги Борлик ҳақиқати билан уйғунлик.</p>
<p>Е) Маънавиятга диний нуктаи назардан берилган таъриф</p>	<p>Маънавият дунёвий ва ухравий мақсадлар уйғунлигидир.</p>
<p>Ж) Маънавият — фано ва бако нисбати сифатида</p>	<p>Маънавият — бақонинг фанода зуҳури (намоён бўлиши).</p>
<p>З) Маънавият — инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий йўналишидан бири сифатида</p>	<p>Маънавият — инсоннинг Ҳаққа (борлик ҳақиқати)га муносабати.</p>

O'QUV ZALI

TATL KUTUBXONASI  
364593-BONLI

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИ

Миллий маънавиятимиз миллатимизнинг маънавий такомил жараёнида ташкил топган ва бугунги кунда ҳам мавжудлигини сақлаб турган кўп ўлчамли воқелик бўлиб, аجدодларимиз яратган маънавий меросда ўз аксини топгандир.

Миллий маънавиятимизнинг тарихий такомилни шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Исломгача миллий маънавиятимиз тараккиёти (энг қадимги даврдан — VIII аср бошларигача).

2. Ислом минтақа маданияти доирасида миллий маънавиятимизнинг такомил (VIII-XV асрлар).

3. Янги давр жаҳон маданияти микёсида миллий маънавиятимиз аҳволи (XVI-XX асрлар).

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРИХИЙ ТАКОМИЛИНИ ЎРГАНИШДА МАНБАЛАРАҲВОЛИ

1. Исломгача маънавиятимиз такомил ҳақидаги энг муҳим манбалар ўлкаимизнинг бугунги миллий ҳудудларидан ташқарида топилган бўлиб, асл матнларнинг яхлит ва нисбатан муқаммаллари “Авесто” китоби ва туркий тошбитиклардир.

Иккинчи қисми билвосита маълумотлар бўлиб, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур, Қадимги Миср ва Юнон, Ҳинд ва Хитой манбаларида, Эрон шоҳаншоҳларидан қолган тошбитикларда акс этгандир.

Учинчи гуруҳ манбалар археологик ёдгорликлар бўлиб, улар бевосита юртимиз ҳудудидан ёки атроф-минтақадан топилган моддий ашёлар ва иншоотлар билан боғлиқ.

Тўртинчи гуруҳ манбалар сўнги даврларгача оғзаки анъана ҳолида етиб келган халқ адабиёти, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар, хурофий ирим-си, имлар бўлиб, улар юзасидан узил-кесил хулосалар чиқариш, айниқса, мураккабдир.

Исломгача маънавият ҳақидаги тасаввурларимиз, шу сабабларга кўра, барибир узил-кесил бўлиши қийин ва қанча қадим замонларга кириб борсак, шу қадар тарихий ҳақиқат ва афсоналар қоришиб, чатишиб кетади).

2. Ислом даври манбалари қадим даврга нисбатан беҳиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Ислом давридан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндашув имкони жиддий тарзда ошади ва миллатнинг маънавий камолоғ босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик қасб этади.

3. Учинчи давр бизга энг яқин бўлгани сабабли уни ўрганиш масаллари тадқиқотчиларнинг анча кенг доирасини қамраб олган. Бу давр манбалари, асосан, ўзбек, тожик, рус ва қисман бошқа қардош халқлар тилларида сақланган. Аммо бу давр манбаларини ўрганишда ҳам муаммолар етарли.

### ИСЛОМГАЧА МИЛЛИЙ МАЎНАВИЯТИМИЗ ТАКОМИЛИ

Босқичлар	Тарихий давр	Асосий маънавий қадриятлар
I	Ибтидоий жамоа	а) Оилавий муносабатларнинг тартибга солиниши ва уруғ жамоанинг ташкил топиши; б) яратувчилик меҳнатининг эъзозланиши; в) тупроқ, сув, оловнинг эъзозланиши.
II	Илк шаҳар жамоаси	Илм ва имон уйғунлигининг шаклланиши
III	Буюк давлатлар (империя)	Миллат, миллий адабий тил ва миллий давлатнинг шаклланиши

### ИСЛОМ МИНГАҚА МАДАНИЯТИ ДАВРИДА МИЛЛИЙ МАЎНАВИЯТИМИЗ ТАКОМИЛИ

Миллий маънавиятимиз ривожининг тарихий босқичлари	Тарихий давр	Шахс ва миллат маънавиятининг такомил босқичлари ёки маърифат йуллари
I Сунна	VIII-IX асрлар	Ибрат
II Ислом маърифатчилиги	X-XI асрлар	Илм
III Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон	XII-XIII асрлар	Риёзат
IV Мажоз тариқи	XIV-XV асрлар	Меҳр

## СУННА БОСҚИЧИНИНГ АСОСИЙ ЮТУҚЛАРИ

1. Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридан Тавхид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси — “умма” тушунчаси шакллана бошлаган бўлса, VIII аср иккинчи ярми — IX аср бошларидан (750 йил - Абу Муслим қўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши, 813 йилда Маъмулнинг халифалик тахтига ўтириши натижасида) минтақанинг уч буюк халқи — араб, форс ва туркий элатлараро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси — мусулмон умматининг тенглиги амалда жорий бўлишига воқеъ — имкон туғилди.

2. Турли исломий мазҳаблар (ханафия, шофеъия, моликия, ханбалия, жаъфария), яъни ислом эътиқодига оид қарашлар ва амалларнинг баъзи фарқларга эга бўлган беш йўналиши шаклланди ҳамда бора-бора улар орасида бир-бирини инкор этмаслик ва ўзаро ҳурмат муносабатлари ўрнатилди. Бундай турли талқинлараро ўзаро мурося ҳолати охир-натижада эътиқод масалаларида таассуб (фанатизм) ва бир ёқлама ақидапарастлик хавфининг олдини олишга асос бўлди.

3. Мусулмон ҳуқуқи — шариат ва фикҳ асосларини шакллантириш бошланди. Имом Аъзам-Абу Ханифа ан-Нуъмон бин Собит (699-767) ва унинг яқин шогирдлари Имом Абу Юсуф Ансорий (731-804) ва Имоми Муҳаммад аш-Шайбон (749-805) бу соҳада асосчи бўлдилар.

4. Пайғамбаримизнинг ҳаёт йўллари ҳақида дастлабки мукамал асарлар — Ибн Исҳоқ (704-707) ва Ибн Хишом (вафоти 834 йил) “Сира”лари (“Сират ар-Расулulloҳ”) вужудга келди. Бу китобларнинг асосий ғояси рисолат (пайғамбарлик — мессия) масаласи бўлиб, улар кейинчалик пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил хабар берувчи китоблар — “Қисас ул-анбиёлар” яратиш анъанасига асос-намуна бўлди.

5. Куръон тафсирларини тадвин қилиш (мукамал тафсир китоблари тузиш) анъанаси ривож олди.

6. Халифа Умар ибн Абдулазиз (717-720) давридан Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларини жамлаш расмий тус олиб, Имом Малик ибн Анас (713-795)нинг “ал-Муватто”, Имом Шофеъий (767-820) ва имом Аҳмад ибн Ханбал (780-855)ларнинг “Муснад” деб номланган йирик ҳадис тўпламлари вужудга келган бўлса, IX асрда ҳадисшунослик илми мукамал шаклланиб, унинг қатъий қоидалари асосида ислом оламида Куръони қаримдан кейинги энг нуфузли

манба ҳисобланган 6 саҳиҳ (ишончли) ҳадис тўпламлари яратилди. Уларнинг муаллифлари Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий (810-870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож (819-874), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-874), Абу Довуд Сулаймон (817-888), Аҳмад ан-Насоий (830-935), Абу Исо Муҳаммад ибн Йазид ибн Можжа (824-886) каби машҳур муҳаддислардир.

7. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилган. Улардаги ота-онага эҳтиром, илмга интилиш, сабр-бардош, шукроналикка даъват, узаро меҳр, иноқлик, меҳмондўстлик, етим-парварлик, вафо ва садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалол луқмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлик, самимият ва ростпўйлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши инсоният учун бебаҳо маънавий қадриятлар силсиласини ташкил этади. Улар асосида ислом ахлоқининг муназзам ва мукаммал бир тизим ҳолида минтақада пухта шаклланиви бу даврнинг ниҳоятда муҳим ҳодисаси эди.

8. Адаб илмига асос солинди, шеърят, филология илмлари ривожланди. Ибн ал-Муқаффанинг (724-759) “Ал-Адаб ас-Сағир”, “Ал-Адаб-ал-Кабир” асарлари, Халил ибн Аҳмаднинг (718-792) луғатшунослик ва аруз илмининг назарий асосларига бағишланган “Ал-Айн” асари дунёга келди, Ибн ал-Мутааз (861-908) илк бор “Илми бадеъ” (“Шеърый санъатлар ҳақида илм”)ни кашф этди. Араб мумтоз шеърятининг асосчилари Абу Нувас (762-813), Башшар ибн Бурд (714-784), Абул Атаҳия (718-825), Ал-Жохиз (775-868) каби шоир-адиблар, илк бора Расулulloҳ ҳадисларига туркий тилда шеърый шарҳлар бағишлаб, дoston ёзган аллома шоир Адиб Аҳмад шу даврда яшаб ижод этган.

## ИСЛОМ МАЪРИФАТЧИЛИГИ БОСҚИЧИНING АСОСИЙ ЮГУҚЛАРИ

1) Борлик ҳақиқатини англаб етишнинг ақлга, мантикий тафаккурга таянувчи турли мувозий (параллел) йўналишлари шаклланиши;

2) калом фалсафаси томонидан исломий Тавҳид таълимотининг минтақадаги барча эски ақидалар мажмуидан ҳар томонлама устунлигини ақл ва мантиқ қудрати билан исботлаб берилиши;

3) Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони карим оятларидаги маънавий бойликни теран англаб етиш учун исломгача яратилган бутун маданий меросни чуқур ўрганиш ва янгича асосларда англаб етиш ҳаракатининг ҳар тарафлама ривожланиши;

4) аниқ ва табиатга оид фанларга қизиқишнинг беҳад кучайиши, фанлар таснифи ва қомусий адабиётларнинг юзага келиши (“Ихвон-ус-сафо” гуруҳи, Абӯ Наср Форобий, Абу Абдуллох Ҳоразмий (вафоти 997 йил), Абу Райхон Бериқий (973-1048), Абу Али ибн Сино);

5) туркий ва форсий бадиий адабиётда Фирдавсий (940-1020) “Шоҳнома”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони (1069 йилда ёзилган) каби буюк тарихий ва маърифий асарларнинг яратилиши;

6) қиёсий тилшуносликнинг пайдо бўлиши (Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари).

### ИСЛОМ МАЪРИФАТЧИЛИГИ БОСҚИЧИДА ШАКЛЛАНГАН БОРЛИҚ ҲАҚИҚАТИНИ АНГЛАБ ЕТИШНИНГ ТУРЛИ ЙУНАЛИШЛАРИ

(“Ҳақиқат изловчи”ларнинг 4 тоифаси):

(Имом Абу Хамид Ғаззолий (1058-1111)нинг “Ал-Мунқиз мин ад-далал” асари ва мутафаккир шоир ҳамда олим Умар Хайём (1048- 1122)нинг “Дархостнома” рисоласи асосида)

Йуналишлар (тоифалар)	Асосий оқимлари	Асосчилари ёки машҳур вакиллари
Калом (мутақаллимлар)	а) Муътазила б) Ашъария в) Мотуридия	Восит ибн Ато (699-748) Абул Хасан ал-Ашъарий (873-935) Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870-944)
В) Фалсафа (файласуфлар)		Абу Наср Форобий (873-950) Абу Али ибн Сино (980-1037)
Б) Ботиния (ботинийлар)		“Ихвон-ус-сафо” илмий гуруҳи (IX аср) (52 рисоладан иборат қомусий мажмуа яратган) Бадалшонлик буюк шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088)
Г) Тасаввуф (суфийлар)		Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил) Мансур Халож (858-922) Абдуллох Ансорий (1006-1089), Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдул Хасан Хароконий (вафоти 1033 йил)

## И СЛОМ ОЛАМИДАГИ АСОСИЙ ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ

Асосий тарикатлар	Асосчилари	Келиб чиқиш макони ва тарқалиш доираси
Бадавия	Аҳмад ал-Бадавий (1199-1276),	Шимолий Африка
Дасукия	Иброҳим ад-Дасукий (1246-1288),	Шимолий Африка
Рифоия	Аҳмад бин Али ар-Рифоий (1106-1182)	Шимолий Африка Арабистон ярим ороли
Шозилия	Абул Ҳасан Али аш-Шозилӣй (1196- 1258)	Шимолий Африка
Сухравардия	Зийнуддин Абу Нажиб ас-Сухравардий — (1037-1168). Шаҳобиддин Яҳё ас-Сухравардий — (1155-1191), Шаҳобиддин Абу Хафс Умар ас-Сухравардий (вафоти 1234)	Эрон, Ҳиндистон
Яссавия	Аҳмад Яссавий (вафоти 1166 йил),	Марказий Осиё. Кавказ. Туркия. АҚШ
Нақшбандия-хожагон	Абдулҳолик Ғиждувоний (вафоти 1179), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1383)	Марказий Осиё
Кодирия	Абдулқодир бин Абу Солх Жилоний — 1077-1166),	Эрон, Марказий Осиё
Кубравия	Нажмиддин Кубро (1145-1221),	Марказий Осиё
Чиштия	Муиниддин Муҳаммад Чиштӣй (вафоти 1236),	Ҳиндистон
Мавтавия	Жалолиддин Румий (1207-1273)	Туркия

# СУФИЙЛИК ЙЎЛИНИ ИХТИЁР ЭТГАНЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ БОСҚИЧЛАРИ

## Шариат

(Барча мусулмонлар учун умумий қонун-қоидалар)

### Тарикат

(1.Тавба. 2. “Фано фи-ш-шайх” — яъни, пирга қўл беришдан “фано фи-л-лоҳ”гача)

### Маърифат<sup>14</sup>

(“фано фи-л-лоҳ”дан “баҳо би-л-лоҳ”гача)

### Ҳақиқат

(“баҳо би-л-лоҳ” ёхуд орифлик мақоми)

## “МАЖОЗ ТАРИҚИ” НИМА?

### Адабиёт ва маънавият

“Мажоз тариқи” атамаси Алишер Навоий ижодининг сўнги давридаги катор асарлари, жумладан, “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” ва “Муҳокамат ул-луғатайн”ларда тилга олинади ва “Маҳбуб ул-қулуб”да махсус тушунча сифатида таҳлил этилади.

“Мажоз тариқи” — Алишер Навоий талқинига кўра, Борлик ҳақиқатини англаб етишнинг бадий адабиётга хос махсус йўналиши бўлганлиги сабабли, аввало, бадий адабиётнинг миллий маънавиятимиздаги ўрнини кўриб чиқамиз.

### АДАБИЁТ НИМА?

Бола ўйнайди. Ўйин борлик ҳақиқатини амалий англаб етиш — ўзлаштиришнинг илк кўриниши. Ёш бола борликни англаб етиш учун ҳаётий жараёнларни ўйинда моделлаштиради.

Санъат, жумладан, бадий адабиёт ўзликни англаб етишнинг мустақил йўли бўлиб, аслида тахайюл ўйинлари<sup>15</sup> воситасида борлик ҳақиқатини моделлаштиришга уринишдир. Ҳайқалтарош тошни “жонлантиради”, мусаввир ранглар товланишини ишга солади, мусиқа санъати инсон туйғуларига бевосита қоинот уйғунлигини



олиб киради. Бадиий тафаккурнинг энг қудратли ва имкониятлари чексиз воситаси сўз санъатидир. Боланинг ўйини — беғараз. Адиб ва шоир ҳам ўз ишига беғараз ёндашагина, ҳаёт ҳақиқатини уйғун акс эттира олади. Мумтоз адабиёт беғараздир.

Адабиёт инсон тафаккурининг, маънавиятининг асоси ва бош озиғидир. Адабий асар кўз олдингизда кечаётган айқаш-уйқаш ходисалар гирдобини маълум маъно тизимига жойлаб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради. Бадиий асар етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тушунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фаҳм-фаросатига лойиқ бир қисса чиқара олади. Шу сабабли адабиёт — ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зохирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга. Ана шу хислати туфайли у инсон руҳини борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга ёрдам берувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

#### ИСЛОМ МИНТАҚАСИ АДАБИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар бир минтақа маданиятининг ўз мезонлари бор. Улар ўша минтақа халқлари маънавий тақомили жараёнида, узок йиллик тарихий тажриба асосида шаклланади. Жумладан, ислом минтақа адабиётининг ривожланиши мобайнида унинг ўзига хос назарий асослари ҳам яратилди. Бу анъанага мувофиқ, бизда адабиёт назариясига оид бир қатор илмлар вужудга келди. Бу илмлар икки йўналишда бўлиб, улардан биринчиси адабиётнинг шакли, яъни бадиий тасвир воситаларига оиддир. Жумладан, аруз илми, қофия илми, бадиий санъатлар назарияси (илми бадеъ), илми баён, илми маъоний ва ҳ.к. Исломи минтақасида дастлаб бу илм йўналишлари араб тилидаги адабиёт тажрибасига таянган бўлса, кўп ўтмай бошқа халқлар ҳам бу соҳага ўз ҳиссаларини қўша бошладилар. Буюк аждодларимизнинг бу соҳадаги хизматларига мисол сифатида X-XV асрлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” (“Илмларнинг қалитлари”) асарининг маҳсус боби, Абу Хафс ан-Насафийнинг “Маҳмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум” (“Илмларнинг жам бўлиши - юлдузларнинг чиқиши”) қомусий рисола-лар тўпламига киритилган “Муҳтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз”, Абул Ҳасан Наср ал-Марғинонийнинг “Маҳосин ал-қалом”, хоразмлик аллома Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийқ ас-сехр фи

дахойик уш-шеър”, Махмуд аз-Замахшарийнинг “Ал-кустос фил аруз”, Юсуф ас-Саккокийнинг “Мифтох ул-улум”, Ахмад Тарозийнинг Мирзо Улугбек замонида туркий тилда яратилган “Фунун ал-балоға” асарларини, Навоий ва Бобурнинг арузга оид рисоаларини эслаб ўтиш kifofa.

Адабиёт назариясининг иккинчи муҳим йўналиши бадий адабиётнинг мазмуний жиҳати, яъни бадий тафаккур конун-қоидаларига алоқадор бўлиб, бадий ижод тариқи (методи) масаласи ушбу йўналишнинг бош мавзусидир.

Янги даврда Европа адабиётида барокко, классицизм, романтизм, реализм номлари билан аталувчи ҳодисалар пайдо бўлди. Тадқиқотчилар бундай ҳодисаларни адабий йўналиш ёки оқим (“литературное направление или течение”) деб атадилар ва кейинчалик шунинг асосида ижодий ёки бадий услуб (творческий или художественный метод) назарияси шакллантирилди.

Қадим юнонларнинг фалсафасини чуқур ўрганган аждодимиз Абу Наср Форобий (873-950) ўз ижодида ушбу муаммога ҳам махсус тўхталиб, “Шеър санъати конунлари ҳақида рисола” (“Рисола фи қавонин синоъат аш-шеър”) ва “Шеърият ҳақида” (“Китоб аш-шеър”) асарларини яратди. Бу рисоаларда Арасту асарларида ишлагилган “мимезис” (табиатга тақлид) ва “имагинация” тушунчаларини араб тилига “муҳоқот” ва “тахайюл” атамалари билан таржима қилиб, бадий тафаккурнинг асос унсурларини ислом минтақа илмида илк мартаба мантикий изоҳлаб берди. XI асрга келиб Абу Қохир ал-Журжоний (вафоти 1078 йил) Қуръони карим оятларининг юксак бадий қудратини илмий таҳлил асосида далиллаб беришга бағишланган “Далойил ул-эъжоз” ва “Асрор ул-балоға” асарларида мутлақо ўзига хос бадий тимсол назариясини кашф этди. XIII аср охири — XIV бошларида Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) ўзининг “Расоил ул-эъжоз” ва бошқа асарларида ушбу муаммоларнинг янгича ечимларини берди. Ва, ниҳоят, XV аср охирида Алишер Навоий ўзигача 8 аср давомида минтақа миқёсида кенг ривожланиб борган бадий тафаккур илмини янада юксак назарий умумлашмалар даражасига кўтариб, жаҳон маънавияти такомилга ўзининг мустақил босқич даражасидаги кашфиётини олиб кирди.

Қадим юнон тилида “методос” нима маънони билдирса, IX-XV асрлар ислом минтақа маданиятининг илмий атамалар тили бўлмиш араб тилида “тариқ” сузи ҳам худди шу маънони, яъни “йўл”, “Борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли”

маъносини англатар эди. Алишер Навоий ушбу атамадан ижодий фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида “хақиқат тариқи” ва “мажоз тариқи” деб аталмиш икки адабий йўналиш ва бадий ижод тариқи мавжудлигини кашф этди ва уларнинг ҳар бирини қисқача таърифлаб, XIII-XV асрларда яшаб форсий ва туркий тилларда ижод этган улуғ шоирларнинг қайси бири қайси йўналишга мансуб эканлигини аниқ кўрсатиб берди. Шундай қилиб, бадий ижодга Борлиқ моҳиятини идрок этиш ва ижодий акслантиришнинг алоҳида бир йўналиши сифатида онгли ёндашув ислом минтақасида Европадан бир неча аср илгари мукамал шаклланди.

### АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БАДИЙ ИЖОД ТАРИҚИГА ОИД НАЗАРИЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ

“Маҳбуб ул- қулуб” рисоласи “Аввалги қисм”ининг 16-фасли шоирлар таърифида бўлиб, “Назм гулистонининг хушнама қушлари зикрида” деб аталади ва шундай бошланади:

“Ул неча табақадир: аввалги жамоа нукуди кунузи маърифати илохийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжиз низомда тиллаган топар, чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати хихатидин ани шеър демас”<sup>16</sup>.

(Насрий баёни. “Улар бир неча гуруҳдир. Биринчи гуруҳ маърифати илохий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маъниллар хазинасидан Маърифат гавҳарини термак ва у гавҳарни эл файз топсин учун нази илига тортмак. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илохий калом оятлари ва Расулulloҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар”).

Алишер Навоий бу тоифани “Хақиқат тариқининг суҳанвари”, деб атади ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини “авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ”, деб улуғлайди.

Навоий “мажоз тариқи” хусусидаги таърифларга ўтиб, ўзи кашф этган ҳақиқатларни шундай баён қилади:

“Яна бир жамоатдурким, ҳақиқат асрорига мажоз тарикин махлут китубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар. Андохки, маоний аҳлининг нуқтапардози Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Дехлавий ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушоий Шайх Заҳириддин Санойи ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадиддин ва маоний адосита лофиз Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал-хофиз.

Яна жамъе бордурларки, мажоз тарикки адоси алар назмига голиб ва алар бу шевага кўпроқ роибдурлар. Андохким, Камоли Исфажоний ва Ҳоконийи Ширвоний ва Хожуйи Кирмоний ва мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосиъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”.

(Насрий баёни. “Яна бир гуруҳдурким, Ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар ва сўзларини бу услубда боғлабдурлар. Чунончи: маъни аҳлининг нозик сўзлиси Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозий ва ишқ гуруҳининг ҳалол ошиғи Амир Хусрав Дехлавий, тасаввуф ва тафаккур мушкулларининг чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Санойи, ҳақиқат аҳлининг яғонаси Шайх Авҳадиддин ва лафз билан маънони англатишга моҳир Шамсуддин Муҳаммад Хофиз.

Яна бир қанчалари бордурларки, мажоз йўли уларнинг шеърларида ғаллаба қозонган ва улар бу равишга кўпроқ рағбат этганлар. Чунончи: Камол Исфажоний, Ҳоконий Ширвоний, Хожуйи Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Анварий, Зохир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котиби Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”.

#### ИСЛОМ МИНТАҚАСИ АДАБИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ

Ислом минтақа адабиёти VIII-XV асрлар мобайнида дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш нуқтаи назаридан ҳам тараққий этиб борди. Алишер Навоийнинг назарий кузатишлари билан адабий жараённинг боришини киёслаб хулоса қилинса, бу тараққиётни, биринчи навбатда, икки катта даврга бўлиш мумкин.

Биринчиси, VIII-XI асрлар бўлиб, араб мумтоз адабиётида “янгилашиш” ҳаракатига асос солган Баишар ибн Бурд (714-784), Ибн ал-Муқаффа (724-759), Абу Нувос (762-713), Абул Атаҳия (748-825) каби машҳур шоир ва адиблар ижоди билан

бошланади. VIII аср иккинчи ярми — IX аср бошларидан туркий тилдаги дастлабки асарлар (Адиб Аҳмад ва Маҳмуд Кошғарий асарига баъзи намуналар) пайдо бўлган бўлса, X аср биринчи ярмида Сомонийлар саройида Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърят мактаби шаклланди. IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар уч тилда асарлар яратилган бўлса, XI аср бошларидан араб тили асосан илм тили сифатида сақланиб қолиб, Ғазнавийлар саройида асосан форс тилида ва Қорахонийлар саройида туркий ва форсий тилларидаги шеърят ривож топди. Маҳмуд Ғазнавий саройида шаклланган нуфузли шеърят мактаби намояндалари Унсурий, Фаррухий, Манучехрий ва бошқалар мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратдилар. X аср охири — XI аср бошларида Фирдавсий Тусий (940-1020) ўзининг 60 минг байтга яқин улкан тарихий эпопеяси — “Шохнома”ни қоғозга туширган бўлса, кўп ўтмай туркий тилда ҳам ўз замонасининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашларини кенг кўламда акс эттирган улуғ асар Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonи (1069 йилда ёзилган) дунёга келди. Бу икки асар шу давргача Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг ўзига хос бадиий қайта ишланган қомуси эди. Бу давр охирида араб тилидаги адабиёт ҳам мазмунан теранлашиб, Абул Аъло ал-Мааррий (973-1058) ижодида юксак фалсафийлик касб этди.

Умуман, VIII-XI асрлар минтақада шаклланган турли адабий мактаблар ҳам илмий доиралар сингари кўпроқ у ёки бу ҳукмдор саройида марказлашган бўлиб, унинг мазмуний мундарижасида мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, ҳамриёт (май мавзуи), зуҳдиёт (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебаҳолиги ва уларга меҳр кўймаслик мавзуи), хижо (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди, яъни, маълум маънода, бадиий адабиётнинг вазифаси ҳануз иккинчи даражали, амалийроқ кўринишда эди. Шу даврда “энг ёлгон шеър энг яхши шеърдир” ва “энг рост шеър энг яхши шеърдир” деган ибораларда ўз аксини топган шеърятта икки хил ёндашув шакллангани илмий адабиётларда қайд этилган ва бунга муайян даражада ўша давр адабиётининг мавзу қамрови ва вазифаси, ижтимоий воқеликда тутган марқеи ҳам сабабчидир. XX аср адабиётшунослигида урф бўлган «дунёвий адабиёт» атамаси айни шу давр адабиётининг аксарият намуналарига муайян даражада мувофиқ келиши мумкин. Алишер Навоийнинг бадиий ижод тарихига оид мулоҳазалари бу даврга даҳл этмайди.

Иккинчи йирик давр XII-XV асрлар бўлиб, Алишер Навоий минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларида айна шу давр шоирларига эътибор қаратади.

Алишер Навоий Абулқосим Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома”-сини яхши биледи ва баъзи асарларида чуқур эхтиром билан ёдга олади. Аммо, юқоридаги иқтибосдан кўриниб турибдики, баъдий ижод тарихи ҳақидаги назарий мулоҳазаларига муайян шоирлар ижодини мисол келтирганда, бирор-бир ўринда Фирдавсийни эсламайди. У санаб ўтган устозларнинг тарихан энг биринчиси Санойидир.

XII аср бошларида форс мумтоз шеърятининг энг ёрқин юлдузларидан Абдулмажид Маждуд ибн Одам Санойи (1048-1140) биринчилардан бўлиб сарой ва мадҳиягўйликни тарк этиб, шеърятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирди. Унинг машҳур асарлари — “Сайрул-ибод илал-маод” (“Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари”) ва 10 минг байтдан ортик ҳажмдаги “Ҳадойик-ул-ҳақиқа” (“Ҳақиқат боғлари”) достонлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солди. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган Абдулвосиъ Жабалий (вафоти 1160), Анварий (вафоти 1191), Асириддин Ахсикатий (1108-1196), Ҳоқоний (1120-1199), Зоҳир Фарёбий (вафоти 1202) каби қатор таниқли шоирлар ҳам бора-бора сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришдилар.

Навоий Санойи ижодини баҳолашда ўша давр анъанасига зид бориб, уни “ҳақиқат тарихи” суҳанварлари қаторида эмас, “ҳақиқат асрориға мажоз тарихини махлут” қилганлар сафида тилга олган. Дарҳақиқат, асарлари ўз вақтида буюк халафлари (издошлари) томонидан сўфиёна руҳда талқин этилган бўлишига қарамай, Санойи ҳам, Анварий ва Ҳоқонийлар ҳам хануз том маънодаги сўфий шоирлар эмас эдилар. Масалан, Санойининг “Ҳадойик ул-ҳақиқа” асарини Европа шарқшунослари узок вақт “тасаввуф комуси” деб талқин этган бўлсалар-да, бу асарни диққат билан ўрганган Е.Э.Бертельснинг гувоҳлик беришига кўра, унда на “тариқат” ибораси учрайди, на “Ҳақ васли” ҳақида сўз боради. “Ҳадойик” 10 бобдан иборат бўлиб, 1) “тавҳид”, 2) “наът” (пайғамбар мадҳи), 3) ақл, 4) илм, 5) ишқ (Санойи Абу Али ибн Синони ганкид килиб, ишқни ақлдан устун кўяди), 6) “нафси култ” (шоир уни пири муршид қиёфасида тасвирлайди), 7) илми нуҷум ва бошқа мавзуларга бағишланган. Тўққизинчи боб дўстлик ва душманлик ҳақидаги ҳикоятларни ўз ичига олса, охириги

ўнинчи бобда Санойй ўз таржимаи холидан сўзлаб, бу дунёга этак силтаб, зохидликни ихтиёр этганлиги сабабларини баён қилади. Хуллас, бу дostonда, Навоий асосли равишда таъкидлаганидек, тасаввуфий мавзулар бошқа фалсафий-ижтимоий масалалар билан аралаш (махлут) холда баён этилган.

Санойй ва Анварийлар бошлаб берган шеърятга янгича ёндашув уларнинг яқин издошлари — XII аср охириги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърят осмонида торлаган икки ёркин юлдуз Низомий Ганжавий (1141-1202) ва Фаридиддин Аттор (1147-1229) сиймолари мисолида икки алоҳида йўналиш бўйича ривож олди.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

*Маълумки, адабиёт мавзулари нинге марказида инсон, унинг руҳияти дунёси ётади. Инсоннинг кечигчмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади:*

*бири — инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи;*

*иккинчиси, инсоннинг ўзи синғари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.*

*Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади.*

*Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.*

*Кейинчалик Жалолиддин Румий (1207-1273) ёзган эди:*

*Аттор руҳ буду Санойй ду чашми ў,  
Мо аз паи Санойю Аттор омадем.*

Таржимаси:

*Аттор руҳ эди, Санойй унинг икки кузи,  
Биз Санойй ва Аттор изидан келдик.*

Санойй “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. Аттор эса “руҳ” — унинг наздан мақсади “асрорни илоҳий адоси” (“илоҳий сирларни баён этиш”) — инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. “Маснавийи маънавий” дек буюк ирфоний қомусни яратган Жалолиддин Румий ҳам айна шу йўлдан борди. Тасаввуф шеърятининг моҳияти аслида шу.

Форс тилида ижод этган буюк Озарбайжон шоири ва мутафак-

кири Низомий Ганжавий эса фақат инсон руҳиятининг ички катламларига теран назар ташлаш билан чекланиб қолмай, ўз дostonларида шахснинг ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди, яъни, унинг асарларида ирфоний ва ижтимоий муаммолар олий бир уйғунликда ифодаланди. Айни шу уйғунлик ифодасига кейинчалик Алишер Навоий томонидан “Мажоз тариқи” деб ном берилган эди. Аммо XII асрда ҳануз “ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди кун тартибига рўйи-рост қўйилган эмас, Низомий асарларида “мажоз” атамаси умуман истемолга ҳам кирган эмас эди. Балки шу сабабдандир Навоий бу йўналишда мумтоз натижаларга эришган зот асарларини ўз ижодий йўлини белгилашда порлоқ бир намуна сифатида танлаган бўлса-да, назарий тадқиқотларида Низомий номини бирор гуруҳга мансуб этишга журъат этмади.

XI асрда тасаввуф шеърияти кичик лирик жанрлар (рубойи, ғазал) билан чекланган бўлса, XII асрдан тасаввуфий руҳдаги дostonлар яратила бошланди. XII-XIII асрлар мобайнида ислом минтақа маданияти доирасида ирфоний шеърият ва тасаввуф фалсафаси юксак чўққиларга кўтарилди. Агар Санойи дostonлари йўналиши ҳақида фанда ҳануз тараддуд мавжуд бўлса, Фаридиддин Аттор (1147-1229) ва Жалолиддин Румий (1207-1273) дostonчилигининг мазмуни соф тасаввуф руҳида эканлиги ҳар қандай баҳсдан холидир. Араб тилидаги адабиёт ҳам ушбу асрларда икки буюк зотни — ирфоний ишкнинг оташин куйчиси Ибн ал-Фарид (1181-1234) ва назарий тасаввуфнинг чўққиси бўлмиш “Футухоти Маккия” асарининг муаллифи Ибн ал-Арабий (1165-1240)ни етказиб берди.

Ирфон — ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга менинг нисбатим қандай? Тасаввуф шу саволга жавоб кидиради. Унинг жавоби қисқа ва содда қилиб ифодаланганда, куйидагичадир: Ҳақ — ягона ва мутлақ борлик, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз жамолини кўрмоқ истади ва ўзига кўзгу сифатида фоний дунёни (яъни, биз кўриб турган моддий борликни) бунёд этади. Суфийлар ҳақнинг асл зотини ҳақиқат ва унинг мазҳари, қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини “мажоз” (“инсказание”, метафора), деб атайдилар. “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди шундан бошланади.

“Ҳақиқат” ва “мажоз” тимсол-тушунчалари XII-XIII асрларда Борликни идрок этишнинг ирфоний шеърият намояндалари ижодиде акс этган ўзига хос ифода воситалари бўлиб, баъзан ҳақиқат ўрнига “маъно” (маъни) ва “мажоз” ўрнига “сурат” сўзлари ҳам ишлатилади. Асл суфийлар инсонларни “мажоз”га (суратга) маҳлиё бўлмай, ҳақиқатни



қидиришга, “маъно”га интилишга чақирди. Ҳаққа етишган инсон эса — Комил инсон, Орифдир.

Тасаввуф машойихлари “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазодига турли даврда турлича ёндашиб келдилар. Агар XIII аср бошлари ва ўрталарида Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар инсонларни “мажоз”, яъни ташқи моддий дунё хою хавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) ҳақиқати сари интилишга, Моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлсалар, мажозга (суратга) берилиш, ҳақиқатдан (маънодан) чағитади деб ҳисоблаган бўлсалар, XIII аср охириларига келиб Фаҳриддин Ироқий (1207-1289), Авҳадиддин Қирмоний (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “Ўламаъот” асарини ёзган Ироқий “мажоз” ва “Ҳақиқат” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибда бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх Авҳадиддин Қирмоний ушбу нисбатни қуйидагича талқин этади:

*3-он минигарам ба чаимми сар дар сурат,  
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.  
Ин олами суратесту мо дар суварем,  
Маъни наъвои дид магар дар сурат.*

Таржимаси:

Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,  
Суратда маънонинг изи бордир.

Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,  
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.

Яъни, инсон Олий ҳақиқатни (Борлиқнинг ягона олий моҳиятини) бевосита унинг мазҳаридан (моддий борлиқда ўзлигини кўрсатиши, зухур этиши, намоён бўлишидан) ташқарида кўра олмайди, чунки у ўзи ҳам шу мазҳардан ташқарида эмасдир (“сурат” ичидадир). Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириши лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир.

Нақшбандия тариқати ирфоний тафаккурнинг олий чўққиси бўлди. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1383) яшаган даврни “Мажоз тариқи” босқичига тааллуқли деб ҳисоблашга етарли асослар бор. Чунки бу улуг

ирфон муаллимидан бизга ёдгор қолган ҳикматлар — “Хилват дар анжуман”, “Дил ба ёру даст ба қор” ўз мазмун-моҳиятига кўра дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлигига эришишга даъват қилди ва шуниси билан миллат маънавиятини тасаввуф тариқатлари босқичидан “Мажоз тариқи” босқичига олиб ўтади.

Низомийнинг бадий тафаккур даражаси ўз давридан шу даражада илгарилаб кетган эдики, унинг асарларида ифодаланган маънолар моҳиятини тушуниш учун XII асрдан кўра XIV асрда мувофиқроқ фикрий муҳит ҳосил бўлди, бунинг бир тасдиғи Низомий Ганжавий дostonларининг бизгача етиб келган энг қадимги кўлёмалари XIV аср ўрталарига мансублигидир.

XIII асрда Аттoр ва Румийлар билан бир пайтда яшаб ижод этган Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1189-1292) ва Камол Исфaҳоний (вафоти 1237)лар ўз асарларида Санoий ва Анварийлар аънанасини давом эттириб, “Ҳақ асрори”ни “мажоз тариқи”га, яъни инсон ҳаётининг дунёвий муаммоларига “маҳлут қилиб” (аралаштириб) баён этдилар, Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарлари “ҳадика” йўналишда, ўша эркин услубда яратилди, аммо улар ҳам ўз йўналишларининг “ҳақиқат тариқи”дан фарқини алоҳида таъкидлаган эмаслар.

Фақат XIII аср охири — XIV аср бошларида Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) Низомий дostonларига биринчи бўлиб жавоб ёзиш билан онгли равишда “мажоз тариқи” йўналишини танлаганини намойиш қилди. Амир Хусрав “Ҳамса”си шу даражада шуҳрат қозондики, ислом минтақа шеърлятида “мажозий ишқ”ни қуйлаш ва “Ҳамса” дostonларига гатаббу бағишлаш кенг кўламли аънанага айланди. XIV-XV асрлар минтақа маънавияти “Ҳамса” аънаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда “Ҳамса”нинг бир дostonига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу ҳаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди. Навoий эслаган Хожуий Қирмоний (1281-1352), Салмон Сoвaжий (1300-1376) ва Қотибий (вафоти 1436)лар ушбу дostonчилик аънасига мансуб шоирлардир. Шундай қилиб, XIV-XV асрлар минтақа шеърлятида “мажоз тариқи” етакчи мавқега кўтарилганлигини қайд этиш мумкин.

Бу даврда нафақат дostonчилик, балки ғазалнависликда ҳам “Ҳақ асрори”ни “мажоз тариқи”га “маҳлут қилиб” баён этиш кенг урф бўлди. Алишер Навoий бу йўналишдаги ижодкорлардан “Лисон-ул-ғайб” лақаби билан дунёга донги таралган Хўжа

Хофиз Шерозий (1320–1389), мумтоз ғазал ва касидалар устаси Носир Бухорий (вафоти 1371) ва Камол Хўжандий (1318–1401), сарбадорлар шоири Шоҳий Сабзаворий (1385–1453)ларни эслаб ўтади.

Навийнинг “Холоти Паҳлавон Муҳаммад” рисоласида атоқли туркигўй шоирлардан XIV асрда яшаган Насимий “ҳақиқат тариқи”нинг ва XV асрда ижод этган Мавлоно Лутфий “мажоз тариқи”нинг намояндалари сифатида тилга олинади.

Алишер Навоий тилга олган шоирларнинг яшаб ижод этган даврларини инобатга олганда, минтақада мустақил адабий йўналишлар ва бадиий ижод тарикларининг шаклланишини, шартли равишда, бир неча босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич XII аср охирларигача давом этиб, унда шеърят мавзуларининг жиддийлашуви, инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати мумтоз адабиётнинг етакчи тамойилига айлана бошлагани кузатилади, аммо хануз “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди актуаллашган (шоирлар диққатини жалб этган) эмас. Иккинчи босқич XIII асрни ўз ичига олади. Бу асрда “ҳақиқат тариқи” буюк тасаввуф шоирлари Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий ижодлари мисолида адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи сифатида энг юксак такомил даражасига кўтарилди. Учинчи босқич XIII–XIV асрлар бўлиб, бу икки асрда “мажоз тариқи”нинг минтақа бўйлаб ҳам адабий йўналиш, ҳам бадиий ижод тариқи сифатида онгли равишда шаклланиши ва кенг миқёсда тараққий этиши кузатилади.

Шундай қилиб, XII асрда Саной (1048–1140), Низомий (1141–1202), Анварий (вафоти 1191 йил), Ҳоконий (1120–1199) каби улғу ижодкорлар бадиий адабиётнинг ўз мустақил тафаккур йўлини жиддий қидиришга киришган бўлсалар, XIII аср охири — XIV аср бошида Амир Хусрав Деҳлавий (1253–1325) “Ҳамса”сининг яратилиши билан ислом минтақа шеърлятида “мажоз тариқи”да ижод қилиш кенг қўламли анъанага айланди.

#### ИСЛОМ МИНТАҚАСИ МАДАНИЯТИДА ИШҚ МАВЗУСИ

Адабиётнинг асосий мавзуси инсоннинг руҳий кечинмалари бўлса, булар ичида энг гўзалли, энг юксак даражаси, энг таъсирчани ишқ-мухаббатга оид кечинмалар бўлиб, шу сабабли ишқ мавзуси бутун замон ва маконлар адабиётида етакчи мавзу сифатида кўзга ташланади.

Навоий шеър ишқ ҳақида бўлмаса, бекорчи сўз деб ҳисоблай-

ди: «Сўзким дард чошнисидин харорати бўлмағай ва назмким, ишқ ҳароратидин хирқаги бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур». Яъни, шоир назарида, инсон ҳаётининг мазмуни ва завқи ишқдан ташқари эмас.

Ибн Синонинг “Ишқ ҳақида рисола” («Рисола фи-л-ишқ») асарига “Поклик биродарлари” (“Ихвон ус-сафо”) ва Форобийнинг бу мавзудаги фалсафий мушоадаларини ижодий ривожлантириб, ишқни руҳий ҳодиса мазмуни сифатида тадқиқ этади. Ибн Сино ишқни (бир нарсага мойиллик маъносида) барча табиат унсурларига хос деб билади ва инсон ишқидаги ҳайвоний ва руҳоний жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Олим фикрига кўра, улардан қайси бири голиб келишига қараб, инсон ишқи ҳайвоний ҳирсдан илоҳий ишқ сари улуғлашиб боради. Аллоҳ маърифатига интилиш ишқнинг энг олий даражасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино.

Ғаззолийнинг “Диний илмларнинг тикланиши” (“Иҳёи улум-аддин”) китоби туртинчи қисми “Нахотга элтувчилар” (“Мунжиёт”) деб номланади. Унинг таркибидаги “Ишқ ҳақида китоб”да бу инсоний туйғу кимга йўнаттирилганига кўра беш турга ажратилади:

1. Инсоннинг ўз-ўзига муҳаббати.
2. Унинг ўз ҳомийлари, унга меҳр-шафқат кўрсатувчиларга муҳаббати.
3. Унинг, умуман, инсонларга яхшилик қилувчиларга муҳаббати.
4. Инсоннинг барча ички ва ташқи гўзаллик эгаларига муҳаббати.
5. Моҳият жиҳатдан ўзига ўхшаган зотга муҳаббати<sup>17</sup>.

Ушбу барча муҳаббат турлари Ғаззолийнинг кейинги мантикий таҳлили натижасида инсоннинг бутун борлиқ ва мавжудотларнинг яратувчиси ва хожаси Аллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга бирлашади.

Тасаввуф таълимотида ушбу қарашлар умумлаштирилиб, охир-натижада “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни “ишқи илоҳий” маъносида бўлиб, ҳақ васлига интилиш, фақат унинг жаёли билан яшашни билдирса, иккинчиси — инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйиб келинди.

Масалан, буюк тасаввуф шоири Фаридиддин Аттор энг машхур асари “Мантик ут-тайр”да кушларни Симурғ сари даъва” этувчи Худхуд тилидан шундай хитоб қилади:

... Эй, гирифтори мажоз,  
Аз сифат дуру ба сурат монда боз<sup>16</sup>.

Таржимаси:

...Эй, мажоз тузогига илинган,  
(ички) сифатдан узоқлашиб,  
(ташқи) суратга мажлиё бўлиб қолган.

Навий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, ундан тасаввуф ирфони буйича махсус таълим олган. “Маҳбуб ул-кулуб”да шоир устозини “Ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккалтаси тариқида вофий ва шомил”, — деб улуғлайди. Дарҳақиқат, Жомий нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Аммо Юсуф ва Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббатини эхтирос билан гавдалантириб бергач, асар охирида барибир барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни унутмайди. Яъни, Аттор каби Жомий учун ҳам “мажозий ишқ” рамздор, аллегориядир.

Лекин “мажоз тариқи” намояндалари Низомий, Дехлавий, Саъдий, ҳофизлар учун мажозий ишқ (яъни, фоний олам мавжудотларининг бир-бирига муҳаббати) мустақил қийматга эга. Амир Хусрав “Ширин ва Хусрав” достони кириш бобларида ёзади:

Фидойи ишқ шав, гар худ мажозист,  
Ки давлатро дар-у нўшида розист,  
Ҳақиқат дар мажоз инак надид аст,  
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст<sup>17</sup>.

Таржимаси:

Ўзингни ишққа бахш эт, агар у мажозий бўлса ҳам,  
Чунки унда саодат сирлари яшириндир.  
Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоян этадики,  
Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.

Шоир “мажозий ишқ”қа таъриф бериш билан чекланмайди, у ўз давридаги баъзи “ишқи ҳақиқий”дан лоф урувчиларни фош этишни ҳам лозим топади:

Ту к-аз “ишқи ҳақиқий” лофий, эй дўст,  
Хароми сўзани бенмой дар пуст,  
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,  
Надори шарм аз-ин имони бедард.

Таржимаси:

Эй, сен “ишқи ҳақиқий”дан лоф урувчи дўст,  
Баданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.  
Ногаҳон ит “вов” деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,  
Яна бундай “дардсиз имон”ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?

Амир Хусрав “Хамса”дан кейин ёзилган тарихий ишқий досто-  
ни “Дувалроний ва Хизрхон” қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам  
мажозий эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Чу ишқ андар мажозаш жилвагоҳ дод  
Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод.

Таржимаси:

Ишқ ўз мажозида намоён бўлгани сабабли,  
Бу мажоз ҳақиқатни англаб етиши учун кўприк бўлди.

Кўришиб турибдики, бундай ёндашув Пайғамбаримиз (с.а.в.)-  
нинг “ал-мажозу кантарат ул-ҳақиқат” (мажоз ҳақиқатнинг кўпри-  
гидир) деган машҳур ҳадислари... гамомила мувофиқ келмокда.  
Алишер Навоий “Ҳазоин ул-маоний”нинг охириги девони “Фаво-  
ид ул-кибар”да ушбу ёндашувни тўлиқ қувватлаб маҳсус қитъа  
битади:

Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,  
Ошиқежим бўлса ишқ атвори ичра покбоз.  
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,  
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдир  
мажоз.

Аmmo “мажозий ишқ”ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббати  
деб тушунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бир му-  
раккаблик вужудга келарди. Яъни, инсоний муҳаббат ҳаётда  
доимо беғараз бўлавермаслиги мумкин бўлиб, бу энди ошиқ-  
нинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Алишер Навоий ижо-  
дий йўлининг назарий ҳулосаси бўлмиш “Маҳбуб ул-қулуб” ри-  
соласининг иккинчи қисмидаги “Ишқ зикрида” аталмиш 10-бо-

бида ушбу муаммони мукаммал хал қилиб берди. Унда адиб ишқни уч қисмга ажратади ва уларга шундай таърифлар беради:

“Аввалги қисм авом ишқидурки, авомуннос орасида бу машхур ва шоедурким, дерлар: “Фалон фалонга ошиқ бўлубтур”. Ва бу навъ киши ҳар навъ кишига бўлса бўлур, шағаб ва изгиробларича лаззати жисмоний ва шахвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ. Ва гастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлилар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликқа сабаб”.

(Қисқартирилган насрий баёни. “Биринчи қисм оддий одамлар (авом) ишқи бўлиб, халқ орасида машхур ва кенг тарқалгандир... Бу ишқ жисмоний лаззат ва шахвоний нафс билан чегараланадик, олий мартабаси — шаърий никоҳдир... кўйирок мартабасида жанжал, ташвишлар, кўнгилсизлик ва шармандалиқлар кўринадики, бу ҳақда сўлаш — одобсизлик, баён этиш ҳаёсизликдир”).

“Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишққа мансубдурлар. Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошубидин кўзгалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмақ”. (Насрий баёни. «Иккинчи қисм алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқ-завқи билан беқарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиқ ҳақиқий маҳбубинг жамолидан баҳра олади”).

«Учинчи қисм сиддиклар ишқидурким, Олий ҳақиқатнинг тажаллиси (нурланиши) жамолига унинг (моддий олам мавжудотлари қиёфасидаги) кўринишидан ташқари, бевосита мафтун бўлганлар ва ўзларини шу йўлга таслим этганлар ва ушбу (олий ҳақиқат жамолини бевосита) кўришга интилиш беҳушлигида идрок қилиш қобилияти улардан бегона бўлган. Уларни (Олий ҳақиқатни бевосита) кўриш (истаги) буткул фарқ этган ва улар фарқ бўлишдан ўтиб, ҳалок бўлиш даражасига етганлар»... «Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир қабатини учириб кетса — улар беҳабар ва агар юлдузлар гулбаргини ҳар томонга совурса, буларга таъсир қилмайди. Уларнинг ҳислари Ҳақ жамолини кўриш ташвиши билан ишдан чиққан, шавқ-завқлари эса, унга бўлган ишқ ҳужумлари остида йўқолиб битган...»<sup>28</sup>.

«Маҳбуб ул-қулуб» — ижтимоий-тарбиявий асар. Унда муал-

лиф ўз қарашларини ҳам изчил мантикий баён орқали, ҳам жумлалардаги таъсирчанлик, бадий тасвир воситаларининг махсус танланиши орқали изҳор қилган. Шу жиҳатдан шоирнинг учинчи қисмдаги ошиқлар («сиддиклар»), яъни тасаввуф аҳлига муносабатида улар эътиқодига эҳтиром туйғулари билан бир пайтда уларнинг моддий дунё, реал инсонлар ташвишидан узоқлашиб кетганликлари, «халқ ғамидин ғами» йўқлигига муайян ишоралар ҳам мавжуд.

Халқимиз айтадики, бир иш қилсанг “халисанлиллоҳ” қилгин, яъни, холис Аллоҳ таоло йўлида қилинган ҳар бир иш хайрлидир, агар унга худбинлик, ғараз аралашса, яхшидай кўринган иш ҳам ёмонликка олиб келиши мумкин. Навоий наздида “ҳавос ишқи” инсоннинг инсонга бўлган айни шундай Ҳақ қўлидаги ҳар қандай ғараздан холи, пок меҳридир. Ана шундай ишқ намояндаларини шоир “ишқ аҳлининг покбозлари”, деб атайди. Улар қаторида Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Ироқий ва Хожа Ҳофиз Шерозийларни санаб кўрсатадики, булардан икки устоз шоир ва мутафаккирни адиб “ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилган”лар қаторида эслаб ўтганлиги юқорида таъкид этилди. Шайх Фахриддин Ироқийнинг қарашлари ҳам уларнинг ёндашуви билан муштарак эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Навоий пок инсоний ишқни ошиқ учун ўзликни англаш йўли, “Ҳақиқат асрори”ганжинасининг калити деб билади. Шоир “Лайли ва Мажнун” хотимасида ёзади:

*Эй ишқ, ғариб кимий сен,  
Бал ойинаи жаҳоннамо сен.  
Ҳам зотингга дарж кимийи?  
Ҳам ойинаи жаҳоннамоли?  
Хуршеди жаҳонкушоӣ сенсен,  
Миръоти жаҳоннамой сенсен,  
Ким қилди сенга назарни равшан,  
Курди еру кўждагин муайян.  
Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти ёр топти.*

Кўриниб турибдики, шоир муҳаббатга ғаройиб кимий, яъни мисли олтинга айлантира олувчи сеҳрли куч, инсонга Борлик сирларини ошқор қилувчи кўзгу, деб таъриф бермоқда. Бунинг маъноси шуки, Алишер Навоий, салафлари Низомий ва Дехлавийлар изидан бориб, бадий ва илмий-ижтимоий тафаккурида «ишқ» тушунчасига, биринчи навбатда, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар нуқтаи на-



заридан қарайди, шу асосда «мажозий ишқ»ни воқеъ ҳаётдаги инсонлараро муомалада биринчи ўринга чиқаради, узак моҳиятга айлантиради. Инсон маънавий камолоти даражасини ушбу маҳак тошига уриб ўлчайди.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳоднинг қадим Юнон юртида Сукрот билан учрашуви ҳам моҳиятан ушбу масалани ойдинлаштиришга бағишланган.

Қадимги юнон фалсафасининг тимсоли этиб танланган Сукрот Фарҳоднинг келажак тақдиридан башорат этар экан, унга насиҳат қилиб, бу дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётидан асл мақсад «ишқи ҳақиқий», яъни Ҳақ васлига интилиш эканлиги, бунинг учун инсон, аввало, ўзлигидан, яъни ўз худбин нафсининг хою-ҳавасларидан кечмоғи лозимлигини таъкид этади ва дейди:

*Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,  
Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...  
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,  
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар...  
Сенинг олингдадир ишқи мажозий,  
Ки жисминг ўртабон сўзу гудози —  
Ҳам овозангни офоқ ичра солгай,  
Ҳам овозинг кўхан тоғ ичра солгай.*

Демак, “мажоз тарихи” намояндалари нуктаи назарига кўра, пок ошиқ учун Борлик сирларини намоён этувчи қудрат — ишқ экан.

#### АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БАДИИЯТ ОЛАМИ

Алишер Навоий ўз ижодида Низомий, Амир Хусрав, Аттор ҳамда Фаҳриддин Ироқий яратган бадий ва ирфоний оламлар ёғдусидан баҳраманд бўлди. Юқорида номлари эсланган Саъдий, Ҳофиз, Анварий, Ҳоқоний каби ўнлаб форс мумтоз адабиёти вакилларига татаббу-жавоблар ёзди. Ва ўз мустақил бадий оламини яратди. Бу олам туркий шеърият оламига тааллуқли эди. Туркий адабиёт вакиллари эса азалдан ижтимоий-ахлоқий муаммоларга алоҳида эътибор бериб келадилар. Адиб Аҳмад (VIII-IX асрлар), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Бокирғоний (XII аср), Қул Али (XII-XIII асрлар), Юнус Эмро (XIII аср), Рабўзий (XIV аср) каби буюк сиймоларни етиштирган туркий тилдаги адабиёт XIV асрдан бошлаб гуркираб ривожлана бошлади. Дастлаб Хоразм адабий мактаби шаклланди. Унда “Муҳаббатнома”

муаллифи Хоразмий, Низомий ғояларини туркий тилда илк бор ифодалаган Кутб, Саъдий “Гулистон”ни ўзбекча жаранглатган Сайфи Сароий каби улуғ ижодкорлар етишиб чиқди. XIV-XIV асрларда ислом минтақасининг турли ўлкаларида туркий адабий мактаблар ташкил топиб, улар доирасида ижод этган Насимий, Хофиз Хоразмий, Саййид Қосимий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саққокий, Гадоий, Юсуф Амирий, Яқиний, Лутфий каби ўнлаб забардаст ғазалнавис ва дostonнавис шоирлар ўзларидан салмоқли бадий мерос қолдиришди. Уларнинг аксарияти Навоий таърифлаган “мажоз тариқи”га мансуб ижодкорлар эди.

Алишер Навоий ҳам устозлар изидан бориб, “хақиқат асрори”ни (сирларини) “мажоз”дан излади. Навоий ғазаллари, таржеъбандлари, китъалари, “Ҳамса” дostonлари ва, айниқса, “Лисон ут-тайр” асарида “мажозий ишк”ни ҳақиқатта етишишнинг асосий йўли деб талқин этган. Ишкни ижтимоий муносабатлар асосида кўришни орзу қилган шоир одамийликни ўзгалар ғамини ўзиникидек билишда деб тушунади:

*Одаме эрсанг демагил одаме —  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Бу машхур байт “Ҳайратул аброр” дostonининг 13-мақолатидан бўлиб, бу боб тулиғича инсонларни “нафрасон”, яъни ўзгаларга, халққа фойдаси тегадиган шахс бўлишга даъват этади. Алишер Навоий инсоннинг бу дунёда яшашдан асл мақсади ўзга инсонларга, эл-юртга фойдаси, нафи тегишда деб билади.

Биз доимо Навоийнинг бош қаҳрамони Инсон деймиз. Бизнингча, шунга аниқлик киритилса, шоирнинг бош қаҳрамони оддий инсон эмас — Ошиқ инсон, деб каралса, ҳақиқатта мувофиқроқ бўлар эди. Аммо бу қандай ошиқлик?

Шоир бадий камолотининг биринчи босқичи 1469 йил Султон Ҳусайн Ҳирот тахгини эгаллагандан кейинги бир неча йил орасида шоир ўз қўли билан тартиб берган биринчи девони “Бадойиъ ул-бидоя”да ўз аксини тошган, дейиш мумкин. Агар шу мажмуадан икки асарни: 1) девонни бошлаб берувчи “Ашрақат” ғазали ва 2) ушбу девон таркибидаги “Кетур сокий, ул майки, субҳи аласт...” деб бошланувчи таржиъбандни олиб қиёсий таҳлил қилиб кўрсак, шоир ижодининг асос тамойили улардаги бош тимсоллар орқали ёрқин намоён бўлади. Бу тимсоллар “май”, “жом” ва “сингон сафол” мажозлари бўлиб, улар бу икки шеър мазмунини бир-бирига боғлаб туради. Ғазалнинг илк сатрлари:

*Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор-ул-худо,  
“Ёр аксин майда кўр” деб жомдин чиқди садо.  
Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ҳам,  
Йўқдур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик Ғамзудо.*

Бунда тилга олинган “май” — “майи ваҳдат” (бирлик, ягоналик шароби), яъни ирфоний ишқ, “жом” эса “кўнгил жоми” дир. Кўнгил жомида “ёр”, яъни Борлик ҳақиқати акс этади. Агар унга “ғайр” (душман, бегона, яъни, “нафси аммора”, худбинона майлар) акси тушиб занг оладиган бўлса, ушбу ғамдан фориг этувчи энг мақбул восита ваҳдат майи дейилмоқда. Шеър давомига мурожаат қиламиз:

*Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом улур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.*

“Гети” — жаҳон, коинот; “гетинамо” бутун жаҳонни, коинотни акс эттирувчи кўзгу. Ваҳдат майини ичган кишининг кўнгилли бутун коинотни ўзида акс эттириш хислатини касб этади.

“Сингон сафол” тимсоли қандай маънони англатиши шоирнинг йигитлик айёмида яратган таржиъбандида изоҳлаб берилган:

*Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт,  
Анинг нашъасидин кўнгил эрди маст.  
Майиким, қилур қуйсалар жом аро,  
Ўзи масту, кайфияти майпараст...*

Шеър давомида хикоя қилинишича, шоир майхонада бир неча майпараст билан бирга ўтиргач, қўлига яна май солинган сопол кўзани олиб, манзили сари йўлга чиқади. Йўлда бир неча “эхтисоб ахли” (яъни, шариат қоидаларига шахар ахли қандай риоя қилаётганини текшириб борувчи мухтасибнинг одамлари) шоирни майхўрликда айблаб, калтаклайдилар. Шоир баданига етган озорни сезмайди, аммо кўлидаги май тўла кўза синганига қаттиқ куюнади ва яна май истаб майхонага қайтади:

*Харобат аро кирдим ошuftаҳол,  
Май истарга илгимда сингон сафол.*

Шеърдаги шоир саргузашти ва кейинги барча бандлари охирида қайтарилувчи ушбу сатрлар чуқур мажозий мазмунни ўзида акс эттиради.

Аввало, “харобот” тимсоли мумтоз адабиётимизда жуда кўп маъноларга эга. У ҳам вайрона, ҳам майхона, ҳам муғ дайри, яъни оташпарастлар ибодатхонаси, ҳам бу фоний дунё — асли барчаси бир нарса — харобот. Шоир май истайди, аммо май тўла кўза чилчил бўлган, унинг кўлида фақат бир парча “синғон сафол” қолган.

(Устоз адиб ижодига муносабатда, агар зукко қадимшунос синик сопол парчаларини эҳтиёт ва эътибор билан тупрокдан ажратиб олиб, йиғиб, асл кўзанинг шаклини тиклашга уринганидек, ҳар бир ишлатилган тимсол ва ташбиҳларга ғояти эътибор билан ёндашиб, уларни бир-бирига қиёсан ўрганиб, мағзини чақишга уринсақкина бир натижа чиқиши мумкин).

Шеърга қайтамыз. Унинг бир банди тугаб, янгиси бошланади:

*Сафол ичра бир журъа лойе манга,  
Эрур жоми гетинамоёе манга,  
Кетармакка худбинлигим ранжини,  
Қани бода янглиг давоёе манга.*

Яъни, ҳақиқий ошиқ учун май кўзасининг синиғи — сопол парча юзида сақланган бир култум май куйқаси (лойи) ҳам бутун жаҳонни (балки коинотни) ўзида акс эттира олувчи ваҳдат майи тўла қадах (жом) ўрнига ўтаверади, ўша вазифани ижро қилаверади.

Бу нима дегани?

Борлиқ моҳияти воҳид ва ягона. Аммо инсон ушбу ягона моҳиятни кўз билан кўра олмайди, инсон фақат унинг мажозини — кўзгудаги аксини кўришга қодир. Мажозда, яъни табиат, воқелик кўзгусида тасвир парчаланиб кетган, ваҳдат (ягоналик) зоҳиран касрат (кўплик)га айланган, шу сабабли бу воқеий дунё хароботдир, вайронадир, бутпарастлар ибодатхонасидир, уни ошиқ майхона сифатида кўради, ҳар санамда ягона бир санамни кўриб унга ошиқ бўлади.

Инсон кўнгли ваҳдат майи билан тўла бўлган кўза (сабу)нинг синган бир парчаси, унда бир култум лойка аралаш май мавжуд. Ваҳдат майига ташна ошиқ шу май куйқасини яхшилаб тинитмоғи лозим, шундагина у яхлит кўзунинг бир парчаси сингари ҳақиқат нурини ўзида акс эттира бошлайди. Ошиқ унга боқиб маст бўлади, ўзлигини йўқотиб, абадиятга дахлдор бўлиш имконини пайдо қилади. Бундай ошиқлик-мастлик инсон кўнглидан хирсу ҳавас зангини, худбинлик (эгоизм) зангини (ранжини, ҳамини) юзиб ташлайди. Ғайр (беғона) шу худбинликдир, ширк шу

худбинликка дилдан жой беришдир, кўнгил кўзгусини босган занг ҳам ушбу худбинликнинг ўзидир.

Бу тимсол ва тасвирлар нақшбандия ирфони доирасидан туриб илгари интилаётган ошиқ-шоир қалбида туғилиб келаётган мажоз тарики унсурларидир. Улар келгусида янги пояларга кўтарилиш учун қўйилган илк қадамлардир. 15 ёшида кекса Лутфийни хайратга солган илоҳий истеъдод шу тарика янги уфқларга кўз тикмоқда эди.

Навоий ижодий такомили иккинчи босқичининг таянч устунни — шоирнинг шоҳ асари “Хамса” десак янглишмаймиз. 888 (1483) йилдан Алишер Навоий ўзининг энг буюк асари “Хамса” туркумини ёзишга киришади ва уни 890 (1485) йилда тугаллайди. Беш дostonни ўз ичига олган бу улкан бадийий комус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросининг деярли ярмини ташкил қилади. “Хамса” Алишер Навоий ижодининг қалбидир. Буюк бобокалонимиз ўзи тузган биринчи девони “Бадойиъ ул-бидоя” биланок туркий тилдаги шеъриятни араб ва форс мумтоз адабиётининг энг пешқадам намуналари даражасига олиб чиққан эди. Аммо бу ишлар барчаси “Хамса”нинг дебочаси эди, холос. Агар туркий “Хамса” ёзилмаса, нафақат бизнинг, туркий халқларнинг адабиёти, маънавияти, балки бутун ислом минтақа маънавияти бугунги яхлитлиги, бугунги тугаллигига эга бўлмас эди, деб бемалол айтиш мумкин. Алишер Навоийдек аслий ошиқнинг дунёга келиши, унга берилган улуғ истеъдоднинг моҳияти “Хамса” учундир, бу буюк ижодкор меросининг аввали ҳам, охири ҳам “Хамса” туфайлдир.

Ислом маънавияти намоёндалари ўз ижодларида салафларини инкор этиш, илгари батамом кўрилмаган янгилик яратишга интилиш эмас, балки устозлар яратган маънавий бойликни янада такомиллаштириш, унга янги жилто бериш, улар излаган яхлит ва буюк ҳақиқатнинг янги ва тоза қирраларини кашф этиш, мазмуний бойитиш йўлидан борганлар. Бу том маъноси билан муқаддас анъана бўлиб, исломнинг илоҳий китоби Қуръони каримдан сарчашма олади. Дехлавий “Хамса”си Низомийга ажойиб шарҳ ва ундаги мазмунларнинг янгича талқини сифатида ўзининг ҳам, салафининг ҳам шухратини оламга ёйди. Туркий адабиётда Қутб ва Ҳайдар Хоразмийлар бошлаб берган “хамсачилик” анъанаси ўзининг камолини Алишер Навоий ижодида кутаётган эди ва бу қутлуғ интизорлик бениҳоя эзгу самара берди. Низомий, Амир Хусрав, Алишер Навоий руҳиятлари “Хамса”нинг маънавият

майдонида бирлашиб, ягона иқлим, ягона моҳият касб этдилар. Ушбу ягона моҳият бутун ислом минтақа маънавиятининг энг буюк чуққисидир. Низомий ва Амир Хусравсиз Навоийни тасаввур этиб бўлмаганидек, Алишер Навоий ижодий меросисиз Низомий ва Амир Хусрав бадий оламини ҳам бутун кўлами билан идрок этиб бўлмайди. Шоир ўз дostonларини “зохир юзидан афсона” деган эди. Афсус, яқин кунларгача XX аср авлодига “Хамса” дostonлари ушбу “афсона” даражасида, юзаки талқин этилиб, тушунтириб келинди. Бугунги мустақиллик, хурлик замонида энди маънавиятимизнинг асл моҳияти ҳақида очиқ-ойдин гапириш, фикр юритиш имконияти мавжуд экан, муаммолар моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, теран таҳлилга ўзимизни ҳам, ёш авлодни ҳам ўргатиб бориш айни фарздир. Алишер Навоий “Хамса” дostonларининг ҳар бири алоҳида неча-неча тадқиқотлар мавзуи бўлиб келди, бу иш яна давом этади. Чунки унинг мазмуни бениҳоядир. Бу дostonлар шаклан қандай мукамал бўлса, мазмунан ундан ҳам уйғун, коинот сингари муназзам ва ҳад-худудсиздир.

Ислом ақидаларига кўра, бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз “ал-Хамсагу” дейилади, динимизнинг беш устун (рукни) ҳам — тавҳид (имон), намоз, рўза, закот, ҳаж ўзига хос “хамса” (бешлик)ни ташкил этади. Демак, Низомий дostonларининг “Хамса” туркуми сифатида талқин этилиши, унга Амир Хусрав ва Навоий жавоблари бежиз эмас. Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, “Хамса”нинг ҳар бир дostonи ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади. “Хамса” дostonлари ижтимоий ҳаётни, турли тоифаларнинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини уларнинг бутун ички дунёси ва руҳияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этади, шу билан бирга, ундаги барча ботиний ришталар Тавҳид эътиқодига бориб уланади.

“Хамса” туркуми алоҳида бир олам. Унинг ҳар бир боби ниҳоятда бой мазмун ва моҳиятларни ичига яширган тилсимдир. Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад алайҳиссалом арши аъло остида қулфлоглик бир хона кўриб Жаброилдан: “Бу қандай макон?” деб сўрабдилар. Жавоб бўлибдики: “Эй, Расулulloҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур”. Ушбу ривоятдан келиб чиқиб, Низомий ўзининг биринчи дostonини “Мах-

зан ул-асрор”, яъни «(Илоҳий) сирлар хазинаси», деб атаган эди. Устозлари сингари Навоий ҳам илк достони “Хайрат ул-аброр”ни илоҳий калом ибтидоси “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” билан бошлайди ва ушбу сатрни шархлаш учун алоҳида бир боб бағишлайди. Комил инсон тарбияси ушбу бобдан — ундаги ажойиб ибратли тазод — “аҳли қабул” ва “аҳли рад” тушунчаларининг қиёсий изоҳларидан бошланади. Инсонни “аҳли қабул” бўлишга даъват этиб, Навоий бобга шундай хулоса ясайди:

*Истабон, эй хаста Навоий, наво,  
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,  
Йул ёмону яхшисидин ема гам,  
Бисмиллоҳ, дегилу қўйгил қадам.*

“Хайратул аброр”нинг Биринчи мақолати Имон ҳақида. Унга шундай батафсил сарлавҳа берилган: “Аввалги мақолат имон шарҳидаким, “Ал-имону ан туъмина биллаҳи ва малоикатихи ва кутубихи ва русулиҳи ва бил-явмил-охирӣ ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи” демакдан мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни деса ва улуғият дарёсиға шинолиғ ажзин зоҳир қилмоқ, малоика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча харф сурмақ ва русул жодасида неча қадам югурмақ ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмақ ва қадар бобида алоқадри ҳол тараннум тузмақ”. Ушбу сарлавҳани шархлашнинг ўзи неча саҳифа бўлиши мумкин, чунки унда зоҳирӣ имон билан ботинӣ имон, “зоҳир аҳли” (ташқи тақлид билан чекланувчи инсонлар) нинг имон ҳақидаги тасаввурӣ билан “аҳли маъни” (Борлиқ моҳиятини идрок этишға интилувчи, ўзлигини англаган инсонлар) имонни қандай тушуниши орасидаги фарқ бадийӣ изоҳланмоқда. Мақолатда тирик (жонли, “ҳайвон”) бўлса-ю, гапиришни билса (“нотик” бўлса) демак, инсон деб ўйлаш ниҳоятда жато эканлигидан суҳбат бошланади:

*Сен доғи инсон муни қилсанг гумон,  
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.  
Муники инсон мунгафовут эрур,  
Тенгри каломи хабар андин берур.  
Бас киши жазм айласа инсон ани,  
Яхши-ёмон ичра тафовут қани?  
Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,  
Топмағай эл олиму жоҳилда фарқ.*

Алишер Навоий достони XV аср ижтимоий-маънавий ҳаёти-нинг турли қирра ва жиҳатларини бутун ички мураккаблиги ва ўзаро қиёслари билан қамраб ола билган. “Ҳайрат ул-аброр”даги муаммолар воқелик сингари мураккабдир. Навоийнинг масалаларга ёндашуви ҳатто устози ва замондоши Абдурахмон Жомий қарашларидан ҳам маълум даражада фарқ қилади. Маълумки, Жомий ўз бадий ижодида диний ақидалар ва тасаввуф қоидалари таърифига атрофлича ўрин ажратган. Унинг “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) туркумидаги “Тухфат ул-аҳрор” ва “Субҳат ул-аброр” достонларида намоз, руза, закот, Ҳаж, узлат, тавба, зуҳд, фақр, ҳавфу рижо, таваккул каби турли исломий ва ирфоний тушунчалар шарҳига алоҳида боблар бағишланган. Навоий ҳам биринчи достонининг асосий қисмини имон ва ислом шарҳидаги мақолатлар билан бошлайди. Аммо унинг бу борадаги мулоҳазалари анъанавий қарашлардан фарқ қилади.

Намуна сифатида Ислом ҳақидаги боб охирига берилган хикоят мазмуни билан танишайлик. Унда машҳур сўфий шайхи “Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз била борқони ва Робияи Адавияга Каъбанинг ниёз била келгани” ривоят этилади. Зоҳидликни ихтиёр этган шайх ҳар қадамида икки ракаат намоз ўқиб, 14 йил риёзат чекиб, Макка шаҳрига етиб келиб қараса, Каъба ўз ўрнида йўқ. Шайхнинг “Эй, Аллоҳ,” деб хайрат билан қилган нидосига ғойибдан Каъба Робияи Адавияни тавоф қилиш учун кетганлиги ҳақида жавоб бўлади. Робия эса тасаввуфда ишқ йўлини танлаган сўфий аёл эди. Навоий ислом ва тасаввуфда зуҳд мақомидан ишқ мартабасини шу даража юксак қўйган. “Ҳамса” достонларининг ҳар бир боби шу каби инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий дунёси, инсонлараро ижтимоий муносабатлар хусусида ўта муҳим, ўта долзарб, ўта мураккаб муаммолар хусусида баҳс этади. Уларда энг воқеъ ҳаёт тасвири юксак мажозий ишоралар билан ажойиб бир уйғунликда келади. “Ҳамса”нинг барча достонларида шу бадий қудрат ҳар бир тимсол, ҳар бир қиёфа ва ҳодисанинг ич-ичидан уфуриб туради.

Иккинчи достон “Фарҳод ва Ширин”ни олайлик. Низомий ва Деҳлавий тарихий шахс Хусрав Парвиз атрофида суҳбат юритган бўлсалар, Навоий афсонавий ошиқ шахзода Фарҳодни достонига бош тимсол қилиб танлади. Низомий шахзода ва шох тимсолида оддий инсонни тасаввур қилиб, унинг танतिकлиги, айбу қусурлари самимий ишқи туфайли аста-секин барҳам топиб, оқила Ширин таъсирида Хусравнинг камолот ва фозиллик касб эта



боранлигини ибрат қилиб кўрсатишни ният этган бўлса, Дехлавий ижтимоий мавқе ва муҳитнинг шахс маънавий қиёфаси ва ҳатти-ҳаракатига таъсирини очиб берди. Навоий, салафлари тажрибасидан тегишли хулосалар чиқариб, шох Хусравни буткул сатбий тимсол сифатида талқин этди ва олдинги дostonларда идеал ошиқ, аммо иккинчи даражали қаҳрамон мавқеида турган Фарҳодга асосий диққатни қаратди. Ушбу ўзгаришнинг бош сабаби, Чин шахзодасининг маънавиятидаги етакчи фазилат — унинг ўзлиги (шахзодалиги ва отаси Ҳоқон мулкига ворислиги)дан буткул воз кечиб, пок ошиқлик ва элга наф етказиш йўлини туганлиги (тошкесар ва наққошлик ҳунарини касб қилиб олганлиги) бўлди. Чунки фақат шундай тимсол Навоий ғояларини мукамал ифодалай олиши мумкин эди.

Дoston қаҳрамони Шириннинг ҳуснига мафтун бўлган Чин шахзодаси эканлигини мактаб дарсликларидан яхши биламиз. Аммо зоҳирий (ташқи) афсона билан чекланмаслик кераклигини шоир ўзи алоҳида уқтирган. Навоий инсоннинг, миллатнинг, башариятнинг маънавий камолоти ҳақида қайғуради. Шахзоданинг дилда ишқ билан туғилиши, унинг Ҳоқон мулкини қабул қилиб олишдан илгари сирли сандиқ ва ундаги кўзгу тилсимини ечиш касдида Юнон сафарига йўл олиши, бу йўлда аввал аждаҳони, сўнг Аҳриманни, охири темир танли камон отувчини енгиб, донишманд Сукрот билан учрашувга муваффақ бўлиши — бу афсонавий тасвирлар ортида башариятнинг, инсоннинг, айниқса, туркий элатнинг ўз моҳиятини англаб етиш йўлидаги камолот босқичларини бир-бир босиб ўтиши бадий-мажозий тасвир этилган.

Асли сирли кўзгуда Фарҳод Ширинни эмас, аввало, ўз тақдирини кўради. Аждаҳо ибтидоий жамоа кишисининг асотир (мифологик) тафаккурида жоҳиллик ва ёввойиликни, Аҳриман "Авесто" маънавиятида зулмат, ёлғончи кучлар тимсолини, камон отувчи темир одам эса қабилалараро, элатлараро аёвсиз нифоклар даври — худбин ва бешафқат талончиларнинг мажозий қиёфасини эслатади. Аждодларимиз ўз руҳиятларидаги шундай қаттол ёвларни енгиб, Сукрот қиёфасидаги исломгача башарият эришган илм ва хикматни эгаллаб, IX-XV аср ислом маънавиятига етиб келдилар. "Ҳамса" дostonларида бунингдек ботиний маъно қабатлари ихлос билан, салафлар ижодига қиёс билан изланса, чексиз топилади.

"Лайли ва Мажнун" афсонаси форс ва туркий тилларда ўнлаб

достонларга мавзу бўлган. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос, бетакрор маъно қатламларини ифшо этади. Бу достоннинг энг асосий хислати - Маънун ҳам, Лайли ҳам тенг ошиқ, тенг маъшук. Бу достон икки ошиқ Инсоннинг ҳақиқий ишқни англаб етмаганлар орасидаги фожеъ ҳолати тасвирига бағишланган дейиш мумкин. Аммо бу энг умумий таърифдир, ҳар бир достон талқини эса ўзига хос.

“Сабъан сайёр” инсоннинг ҳаёт ва ҳаёл дунёсидаги чексиз адашувларининг мажозий тасвиридан иборат. Бунда яна “аҳли қабул” ва “аҳли рад” орасидаги тазод (зиддият) биринчи ўринга чиқади. Муқбил ва Мудбир, Сухайл ва Жобир, Жуна ва Жайсур, Маъсуд ва Маллу тимсоллари ушбу икки гуруҳга мансуб бўлиб, ҳаёт синовларидан қандай ўтишига қараб, “аҳли қабул” саодатга, “аҳли рад” эса қилмишларига яраша жазога эришадилар. Ички киссалардаги бу тимсоллар асар бош қаҳрамони Баҳромшоҳ учун ҳам ибрат сифатида келтирилади. Аммо ҳукмдор ўз хирсу хавасларини жиловлаб ола билмаганлиги, беғуноҳ жонзотлар қонини аёвсиз тўққанлиги касофатидан ўзини ҳам ер ютади.

Буюк жаҳонгир тақдири ҳақидаги охириги “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) достони шаклан маълум даражада “Хамса”нинг биринчи достонини эслатади. Унда ҳам ҳар бобда турли ижтимоий-ахлоқий мавзудаги фалсафий мулоҳазалар, ибратли кичик ҳикоят ва ҳикмат-хулоса бериллади. Шундан сўнггина Искандар ҳаётидан бир воқеа ҳикоя қилинади. Искандар тимсоли яқингача ҳам Е.Э.Бертельс талқинига биноан одил шоҳ тимсоли деб қабул қилиб келинди. Фақат Азиз Қаюмов Навоий қаҳрамони мураккаб тимсол эканини, достонда Искандар қиёфаси тадрижий ўзгаришда очиб берилганини илмий исбот этди.<sup>21</sup> Юнон шаҳзодаси аввал шоҳликка ўзини ноқобил деб билган журъатсиз ва камтар ўсмир бўлса, ҳаёт ва фотиҳлик сиёсати тақозоси билан аста-секин ўзбилармон ва шафқатсиз истилочига айланиб боради ва фақат ўлими яқинлашганда сизга, жоҳ ва кибр йўлидаги бутун уринишлари сароб эканлигини англаб етиб, кўзи очилади.

“Хамса”да мажозий ишқ тасвирланади, инсоннинг инсонга муносабатидан, яъни ахлоқий муносабатларидан бошлаб, ҳукмдорнинг фуқароларга ва, умуман, ҳукмдорликка, тож-тахтга муносабати, ўз навбатида, тож-тахтнинг, ҳукмдорлик мавқеининг инсонга таъсири, яъни инсоёлар ҳаётига оид ижтимоий, ахлоқий муносабатлар мажмуи Тавҳид эътиқоди нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. “Хамсанавислик” анъанаси ислом минтақа маънавияти

такомиленинг бадиий тафаккурдаги ўзига хос маҳсули бўлиб, шунга яраша муносабатни талаб қилади. Бу анъана таджикотчидан ҳам, оддий китобхондан ҳам ҳар бир дostonнинг шакл ва мазмунига алоҳида эътибор талаб қилади, чунки бир мавзуда ёзилган ўнлаб дostonлар диққат билан ўқилса, асло бир-бирини такрор этмагани, балки ўзаро ижодий баҳсда ёзилгани маълум бўлади. Шу сабабдан ҳар бир дostonни ўқиганда ҳам унинг ушбу мавзу силсиласидаги ўрнига, ҳар бир шоир ижодий меросидаги мавқеига аҳамият қаратиш лозим. Шундагина унинг тамомила ўзига хослиги ва мазмун қамровини англаб етиш мумкин.

Исломинтақа адабиётининг бу мураккаб хислати, унинг, масалан, Янги давр гарб адабиётидан фарқи ХХ асрнинг 30-йилларидаёқ Б.Э. Бертельс томонидан Навоий ва Аттор, Низомий ва Деҳлавий ижодини қиёсий ўрганиш асосида илмий исботланган эди. “Хамса” дунёсида ижтимоий ҳаёт маънавиятдан ажралмас, бир бутундир.

Навоий ўз ижодининг учинчи, якуний босқичида Фаридиддин Атторнинг машҳур ирфоний-рамзий дostonи “Мантиқ ут-тайр”га жавобан охириги дostonи “Лисон ут-тайр”ни яратди ва унда улуг сўфий шоирнинг ирфоний мажозларига хиёнат қилмаган ҳолда уларга бир пайтнинг ўзида ижтимоий жило бахш этишга муяссар бўлди. Шу тарзда шир ҳам мазмуний теранликда, ҳам шаклий мукамалликда “мажоз тариқи”нинг энг авж нуктасига кутарилди.

Аттордан илгари “Куш рисоласи”ни яратган Ибн Сино, Аҳмад Ғаззолийлар бош тимсолни “Симурғ” эмас, “Анқо” деб номлаган эдилар. Аттор “Симурғ” тимсоли билан жуда чуқур мазмунга ишора қилди. Аммо барибир энг маъсул ўринда:

*Чун шумо симурғ инжо омадид,  
Си дар ин ойина пайдо омадид.  
Гар чеҳел, панжоҳ мурғ ояд боз,  
Пардаро аз хеш бағушоянд боз.*

Таржимаси:

Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,  
Бу кўзгуда ўттизга кўриндиларинг.  
Агар яна қирқта ё элликта қуш келса,  
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар.

деб узи топган тимсол қувватини кесиб қўйди. Навоий ундай

қилмади. У “си мурғ” (форсча “ўттиз қуш” дегани ) ва Симуғ (жаҳондаги барча қушларнинг афсонавий ҳукмдори)ни бир сўз сифатида бир хил жаранглашига қайта-қайта этиборни жалб қилади. Аммо бу мажозий талқинни яна жўнлаштириб, демак, ўттиз қуш ўзи Симуғ экан, яъни улар ҳукмдорини изламаса ҳам бўлар экан, деб тушуниш шоирни тўғри англаб етишимизга ёрдам бермайди. Навоийнинг тимсоллари ҳам, улар орқали англаб олишчи бўлган бадиий ҳақиқати ҳам бундай жўнлаштиришлардан беҳад юқори туради. Навоийнинг талқинлари тасаввуф адабиётининг ирфонини инкор қилмайди, балки инсон маънавиятини ундан-да юксакроқ босқичга етаклайди. Аттот XII аср охири XIII аср бошларидаги тасаввуф адабиётининг намояндаси бўлиб, унинг даврида ҳануз Ибн ал-Арабий (1165-1240) фалсафаси яратилмаган эди. Навоий эса Ибн ал-Арабий ирфонини Ироқий талқинида Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштириб, кейин қушлар тилида дoston ёзишга киришди. Шу сабабли, айтиш мумкинки, Алишер Навоий асари зоҳиран Аттот асарига таянган бўлса, ботинан, мазмун-моҳиятига кўра Ироқий қарашларини ривожлантирган.

Навоий талқинидаги Симуғ — бутун Инсониятнинг яхлитликда эришуви мумкин бўлган олий такомил босқичига ҳар бир киши, ҳар бир жамоа ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилоғи, бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб, эришмоқлари мумкин. Симуғ — бир қуш эмас, камолотнинг олий босқичи — Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш («си мурғ»)нинг бирлиги — маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳриридир.

“МАЖОЗ ТАРИҚИ” НИМА?

(Жулоса)

Шундай қилиб, Алишер Навоий то охириги асари бўлмиш “Махбуб ул-қулуб” ёзилгунга қадар ўзи ҳам «мажозий ишк» деб ишлатиб келган ҳодисани умри ниҳоясида моҳиятан алоҳида икки турга фарқлаб, бирини “авом ишқи” ва иккинчисини “хавос ишқи” деб номлади. Шу билан Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга илғирланган «алоҳида

фазилат эгаларига хос ишқ»нинг кўпчилиқ одатда кўзда тутадиган йигит-қиз орасидаги оддий “ошиқ-маъшук”ликдан ҳам, Олий ҳақиқатнинг мутлақ жамолига ошuftа тасаввуф акли интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи мумтоз бир туйғу, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. Сукрот тилидан «жақиқий ишқ» йўлида бир восита сифатида таъриф этилган «мажозий ишқ» аслида Навоий бадиият оламида мустақил ҳодиса сифатида ўзлигини намоён этди. Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг Ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди. Бадиий ижод мазмунидаги мана шу теранликка эришиш йўли “мажоз тариқи” деб ном олди. Миллий маънавиятимиз такомилдаги ушбу энг юксак босқични алоҳида инсон маънавий камолоти жараёнига татбиқ этсак, уни биз бугунги тилда “меҳр маърифати” деб атаганимиз маъқул.

“Мажоз тариқи” босқичи ислом минтақа маънавияти такомилнинг энг олий поғонаси бўлиб, Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини, деб қараш мумкин. “Ҳақиқат асрори”, яъни Тавҳид мазмунини “мажоз”, яъни ушбу зоҳир бўлиб турган оламдан қидириш, Ҳақ асрорини англаб етиш учун холис ният, пок кўнгил билан “мажоз”ни, “фоний”, уткинчи дунё, “сурат”ни тадқиқ этиш, тушуниб етиш орқали ҳақиқатни, “маъно”ни англашга уриниш, биринчи навбатда, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш, инсонларни, табиатни тушуниш орқали Ҳақ асрорини, тавҳид моҳиятини идрок этиш — “Мажоз тариқи”нинг буюк ажодларимиз Хусрав Дехлавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Хофиз Шерозий ва Лутфийлардан мерос бўлиб, Алишер Навоий ижодида ўзининг энг мукаммал ифодасини топган ўзига хос дунёқараш, тафаккур тарзининг моҳияти, асл ўзагидир. Бу босқич ягона ислом минтақа маънавияти такомилнинг қонуний яқуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобокалони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат бадиий адабиётда бадиий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро “мажоз” тушунчаси ўзи бадиий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оидир.

ЯНГИ ДАВРДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АҲВОЛИ  
(XVI - XX асрлар)

Янги даврнинг моҳияти икки асос — дунёни сурат ва маъни яхлитлигида ўрганиш ва баҳамжиҳатликда бошқаришга интилиш билан ўзлигини намоён этади. Фоний дунёни сурат ва маъни бирлигида тадбиқ этиш ижтимоий воқелик тадқиқини ҳам тақозо этади.

XVI-XX асрлар миллий маънавиятимиз тақомилини икки катта босқичга ажратиш мумкин:

Янги давр маънавиятига ўтиш ёки ислом минтақа маданияти  
даври маънавий ютуқларининг оммалашуви босқичи  
(XVI-XVIII асрлар)

(Бу босқич халқимиз тарихида зиддиятли асосга эга бўлиб, бир томондан, яхлит ислом минтақа маданияти эришган ютуқлар заминида кенг халқ оммасининг маънавий савияси ошиб борган бўлса, иккинчи томондан, минтақа сиёсий ҳаётида таназул ва парчаланиш жараёни кундан-кунга, йилдан-йилга кучайди. Ягона ўлканинг икки хонлик ва бир амирликка бўлиниб кетиши ана шу таназул оқибатидир.)

Давр маънавиятининг ўзига хослиги —

“Миллий изтироб” шеърляти: Турди, Машраб, Махмур, Гулханийлар ижодида ижтимоий воқеликнинг кескин таъкиди, Ватан ва миллатнинг фожеъ ҳолатини шахсий фожеа даражасида қабул қилиш.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВР ЕВРОПА  
МАДАНИЯТИ БИЛАН БЕВОСИТА Тўқнашуви  
(XIX-XX асрлар)

(Бу жараён бошланишдан оқ фожеъ бир тарзда — қадим Турон халқларининг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва 150 йиллик мустамлақа ҳолатида мураккаб тарзда кечди. Миллий қарамлик маънавий ҳўрлик келтирди, халқ ҳам маънавий, ҳам иқтисодий камситилди, XX аср коммунистик диктатура тузуми эса ўз аёвсиз қатағонлари ва идеологик зуғуми билан миллат зиёлиларини жисмонан маҳв қилиб, халқни “манқуртлаштириш” сиёсатини жорий қилди.)

Давр маънавиятининг ўзига хослиги —

Миллий уйғониш — Туркистон ўлкаси халқларининг миллий мустақиллик учун кураши икки йўналишда намоён бўлди: биринчиси — қуролли кураш, кўзгўлганлар йули, иккинчиси, жадидлар олға сурган маданий-маърифий йўналиш бўлиб, бу йўлнинг асосий мақсади халқ маданий-маърифий савиясини ошириш, шу йўл билан миллий онгни юксалтириб, дунёни янгича идрок этиш асосида ўлкани давр талабларига мувофиқ мустақил сиёсат ва ривожланган иқтисодий муносабатлар даражасига олиб чиқиш эди.

**«МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСЛАРИ» ФАНИ БИЛАН  
МАЪНАВИЯТ СОҲАСИГА АЛОҚАДОР  
БОШҚА ФАНЛАР НИСБАТИ**

Маънавият соҳасига алоқадор фанлар	Фаннинг махсус ўрганиш соҳаси (объекти)	Фаннинг асосий мавзуси (предмети)
“Миллий маънавиятимиз асослари”	Миллий маънавиятнинг асосий масалалари	Инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик даражалари (Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат). Шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари (имон, илм, масъулият, меҳр). Миллий маънавиятнинг такомил босқичлари
“Фалсафа(шунослик)”	Фалсафа	Фалсафий тизимлар — Борлиқ ҳақиқатини мантикий моделлаштириш усуллари сифатида
“Маданиятшунослик” (“Культурология”)	Маданият	Жаҳон ва минтақа маданиятлари инсон маънавий фаолиятининг ҳосиласи (инсон маънавиятининг моддий воқеликдаги излари) сифатида
“Рухшунослик” (“Психология”)	Рухият	Инсон ва жамиятнинг турли руҳий ҳолатлари ва улардаги ўзгаришлар
“Ахлоқшунослик” (“Этика”)	Ахлоқ	Инсон ҳулки, унинг ахлоқий фазилатлари (инсон қалбидаги маънавият нурунинг жылвалари сифатида) ва қусурлари
“Диншунослик”	Дунё динлари	Имон-эътиқод тизимлари (динларнинг ботиний жиҳати), ибодатлар, уларнинг турли динлардаги ўзига хос хусусиятлари (динларнинг зоҳирий жиҳати)
“Санъатшунослик”	Санъат турлари	Борлиқ ҳақиқатини бадиий тасвир воситалари асосида моделлаштириш
“Адабиётшунослик”	Бадиий адабиёт — сўз санъати сифатида	Борлиқ ҳақиқатини бадиий тасвир асосида моделлаштириш
“Нафосатшунослик” (“Эстетика”)	Бадиий тафаккур қонуниятлари, гузалликнинг моҳияти	Моддий борлиқ ва санъатнинг турли соҳатарида шакл ва маъно уйғунлиги масалалари
“Тарбияшунослик” (“Педагогика”)	Таълим-тарбия масалалари	Маърифат йўллари (жумладан, ибрат ва илм, риёзат ва меҳр) орқали ифодаланувчи ўзликни англаш (кўнгил кўчусини сайқаллаш) жараёни
“Сiyёсатшунослик” (“Политология”)	Сiyёсат	Давлат тизими ва сиёсий партиялар, демократия ва ижтимоий адолат масалалари
“Жамиятшунослик” (“Социология”)	Инсонлар жамиятини синхроник ҳолати	Турли ижтимоий тоифалар ва тузилмалар ҳолатидаги ўзгаришлар ва уларнинг сабаб-оқибатлари
“Тарих(шунослик)”	Жаҳон ва турли ўлкалар тарихи	Башарият ва турли элатларнинг сиёсий, ижтимоий, маданий тараққиёти қонуниятлари
“Элшунослик” (этнография)	Турли халқларнинг урф-одати ва маросимлари	Халқ онгидаги асосий тафаккур унсурлари, анъанавийлик ва этикет, халқ ижоди турлари ва шакллари, урф-одатлар ва маросимларнинг тарбиявий аҳамияти



## ТАФА ККУР ТУРЛАРИ

### I

(Ибтидоий жамоа,  
қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамнинг  
фикрлаш тарзи)

#### асотир тафаккур

(ғайб олами ва мавҳум тушунчаларни  
моддий ашё ва ҳодисаларга боғлиқ  
ҳолда тасаввур қилиш)  
(окибати: мушриклик)

#### амалий тафаккур

(муайян ҳаётий тажриба асосида ҳулоса қилиш)

### II

Қадимги дунё одами,  
янги давр одамларининг  
фикрлаш тарзи.

Асосий тафаккур турлари:

#### манъикий тафаккур

(сабаб-оқибат боғланишлари  
асосида фикр юрийтиш)

#### тимсолий тафаккур

(бадий тафаккур, Ўз фикрини рамз ва тимсоллар  
воситасида ифодалаш)

#### тарихий тафаккур

(турли манбалар орқали аниқланган маълумотларга  
таяниб ҳулоса қилиш)

#### эвристик тафаккур

(илохий илҳом, илмий ва бадий ижод жараёнида тамоми-  
ла янгича ғоялар, ечимлар, тимсол ва тасаввурларнинг яхлит  
шаклланиши)

Мураккаб таркибли тафаккур турлари:

### ирфоний тафаккур

(илоҳий илҳом, риёзат ва илоҳий жазба натижасида ҳосил килинган ладуний билимларни тимсол ва ишоралар воситасида ифодалаш)

### фалсафий тафаккур

(мантиқий ва эвристик тафаккур асосида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш)

### илмий тафаккур

(мантиқий ва эвристик тафаккурга ҳамда махсус амалий тажрибага таянган ҳолда муайян назарий муаммони ҳал қилишга уриниш)

### риёзий (математик) тафаккур

(аниқ формулалар, чизмалар, тенгламалар, рақамлар нисбати воситасида ўз фикр ва ғояларини ифода этиш)

### эстетик тафаккур

(муайян ҳаётий ҳодисаларга гўзаллик ва ички уйғунлик талабларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш)

### ахлоқий тафаккур

(инсонларнинг амалий фаолиятини муайян маънавий-ахлоқий тартиб-қоидалар нуқтаи назаридан баҳолаш)

### сиёсий тафаккур

(ижтимоий ҳодисаларга муайян сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашиш)

### ҳақиқий тафаккур

(инсонларнинг хатти-ҳаракатларига муайян қонунлар билан белгиланган ҳуқуқий нормалар нуқтаи назаридан ёндашиш)

## III

XXI аср одамнинг фикрлаш тарзи:

### тавҳидий тафаккур

(Инсониятга хос барча тафаккур турлари ягона Борлиқ ҳақиқатининг турлича жилолари эканини англаб етиб, эътироф этиш, ўзгача фикрловчи инсонни тушунишга интилиш)

## ТАВҲИД ҲА ҚИҚАТИ

Аллоҳнинг барча китобларида уқтирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Борлиқ ҳақиқати Тавҳид ҳақиқатидир. «Тавҳид» сўзининг турли маънолари бор. Унинг лексик маъноси — ягоналик ва яхлитлик, диний талқини — фақат Аллоҳнинг ягона маъбуд (сиғинишга лойиқ ягона зот) эканлиги, тасаввуфий (ирфоний) талқини ҳақиқий (боқий) Борлиқ фақат Ҳақнинг Борлиги эканлиги, илмий талқини дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлигидир. Бу талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, миллий маънавиятимизда улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб келадилар.

Маънавият нуқтаи назаридан Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти шундаки, ягона Аллоҳ иродаси билан биз кўриб турган Борлиқнинг ҳар бир узвий қисми, зарраси ўзгалар билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун Борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади.

Бу умумжаҳоний қонуниятаро ер юзида халифа қилиб яратилган Инсон зотининг алоҳида имтиёзи — унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган.

Ер юзида халифалик ҳам катта имтиёз, ҳам жиддий масъулиятдир - онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Аллоҳ олдида жавоб беради.

(Тавҳид ҳақиқатининг яна бир сирини эътироф этиш керак. Борлиқнинг ягоналиги шуни тақозо қиладики, ундаги энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўллари гача аслида бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади).

### МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ НАЗАРИЯСИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ УМУММЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

а) кўп кутбли дунё

(Бу қоида Тавҳид ҳақиқатининг моҳиятидан келиб чиқади ва маънавий меросимизда аллақачон эътироф этилган);

- б) инсон — дунё меҳвари  
(Чунки инсон кўнгли Ҳақнинг мазхаргохидир);  
в) иқтисод, сиёсат, маънавият: инсон ва жамият ҳаётида уларнинг ўзаро уйғунлиги зарурати.

### ШАХС МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИНГ ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ (ёки маърифат йўллари):

Ибрат,

Илм,

Риёзат,

Меҳр

### ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАБ ЕТИШ БОСҚИЧЛАРИ ЁКИ БОШИ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР:

Ҳақиқат

Адолат,

Миллат,

Шахс,

Ватан,

### ВАТАННИ АНГЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

(Ватан тимсол-тушунчасининг умумий таърифи:  
Модлий маконга маънавий муносабат)

1. Рух учун бадан — Ватан.
2. Ватан — турар-жой, обод маскан, ҳар бир инсон аҳли оиласи билан паноҳ топувчи гўша.
3. Ватан — ҳар бир инсон учун ўз туғилиб-ўсган диёри, ўлкаси, қишлоғи, шаҳари, касабаси.
4. Ватан — Ўзбекистон, мустақил юрт, мустақил мамлакат (миллатни тушуниш босқичида англаб етилади).
5. Она-сайёра — барча бани башарга ягона Ватан (адолат босқичида англаб етилади).

### ИНСОН ВА ШАХС

**Инсон** — маънавий камолот имкониятига эга бўлган моддий мавжудот (Инсоннинг ижтимоий мавжудот эканлиги ҳам унинг маънавий камолот имконига эга эканлигидан келиб чиқади).

**Шахс** ўз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқара бошлаган инсон (Бу ходиса ўзликни англаш деб айтилади. Шу маънода, Шахс — ўзлигини англай бошлаган инсон, дейиш ҳам мумкин).

Маънавият нуктаи назаридан «Шахс» тушунчасига ёндашувимизда икки ҳолатни кўзда тутиш лозим:

1) биз ҳар бир ўзга инсонни Шахс сифатида қабул қилмоғимиз жоиз, чунки унга яратилишдан бу имконият Ҳаллоқи олам томонидан берилган. Ўзга инсон дилидагини биз билмаймиз, шу сабабли зоҳирий кўз билан ундан хатолар излашимиз, унда маънавий ноқислик кўришимиз Инсон одобиға, маънавият талабларига ҳилофдир;

2) ҳар бир инсон ўзини Шахс сифатида англай экан, тинимсиз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқариш, яъни ўзлигини англаш жараёнида бўлмоғи жоиз саналади. Бу жараён тўхтаган онидан унинг Шахс сифатидаги таназзули бошланади.

### ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Имон,

Илм,

Масъулият,

Меҳр

### ШАХС ВА МИЛЛАТ

Инсон маънавий камолот имконига эга бўлган биз билган ягона моддий мавжудот. Шахс ўзидаги маънавий камолот имконини юзага чиқара бошлаган инсон. Демак, Шахс маънавияти ушбу соҳани ўрганишда асосий объект эканлиги ўз-ўзидан равшанлашади.

Шахс маънавиятини ўрганиш икки йўналишда бўлиши мумкин. Биринчиси, муайян шахс маънавиятини ўрганиш, иккинчиси, ушбу ходисанинг умумий жиҳатларини тасниф ва тадқиқ этиш. Имкон нуктаи назаридан, биринчи йўналишда фақат айрим ходисаларни, масалан, ўтмиш ва бутуннинг умуммиллий аҳамиятга эга бўлган буюк шахслари маънавий дунёсини ўрганиш мумкин бўлиб, моҳиятан бу иш миллат маънавиятининг таркибий қисмларини ўрганиш демакдир. Чунки Миллат маънавияти, том

маънода олганда, ушбу миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавиятининг мажмуидан иборат.

Ҳар Бир шахс, ўзи буни чуқур идрок қиладими, йўқми қатъи назар, бирор элат ё миллатга мансуб бўлмай иложи йўқ, ҳеч бир инсон элдан буткул ажралиб яшамайди. Президентнинг ғоятда ҳикматли ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон «... ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандagina, у ҳақда уйлаб, меҳнат қилиб яшагандagina маънавият билан туташади»<sup>22</sup>. Бунинг маъноси, шахс маънавияти воқеликда миллат маънавиятидан айру, ундан ташқарида бўлмайди. Шундай экан, мавжуд аҳволни тўғри идрок этадиган бўлсак, миллат маънавияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, алоҳида шахс маънавиятини ҳам ўрганиш имкондан ташқари.

### МАЪНАВИЯТДА «ҚАДР» ТУШУНЧАСИ

Ўзлик ни англаш жараёнида «қадр» тушунчаси пайдо бўлади.

Борлиқ ҳақиқатига ўз нисбатини тўғри англаб етмаган ва комил эътиқод ҳосил этмаган инсон қануз ғофилдир.

1) «Мен Аллоҳ томонидан ер юзида халифа этиб яратилганман», деб ўзликни англаб етиш ўз қадрини тўғри баҳолашнинг пойдеворидир.

2) Ўз қадрини англаб етиш баробарида инсон, ўзга инсонлар ҳам ер юзида халифа эканлигига имон келтириб, уларнинг ҳам қадрини ўзидан кам билмайди.

3) У Аллоҳ яратган барча мавжудотнинг айни Ҳаққа тегишли эканлигини англаб етгани учун кадр қилади, беҳудага бирор нарсани зое қилишни ўзига эп кўрмайди.

Ҳақиқий Шахс даражасига етишган инсон ўз қадрини, шу билан бирга, ёруғ оламдаги барча ашё ва мавжудотлар қадрини муайян даражада англаб етган, шу асосда жамиятнинг фаол аъзосига айланган инсон бўлади.

### «ҚАДР» ТУШУНЧАСИ ВА МАЪРИФАТНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИ

«Қадр» тушунчаси маърифатнинг турли босқичларида турли даражада муайянлашиб боради. У имон, илм ва амал даражаларида англаб етилиши мумкин.

1) Имон даражасида барча мавжудот қадри Аллоҳ инъоми

сифатида, барча инсон қадри имкон (потенция) даражасида англаб етилади.

2) Илм даражаси ҳар бир муайян инсон ва ашё қадри ҳақида аниқ билимлар ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлади. Ўзлигини англаш даражаси, Борлиқнинг моҳиятини англаш йўлидаги илмнинг ва амалий фаоллиги билан боғлиқ равишда инсоннинг инсондан фарқи, ҳар бир инсоннинг кечаги ҳолатидан бугунги ҳолати орасидаги фарқ доимий ўзгариб боради.

3) Энг юксак ва маъсулиятли даража — амал. Амал риёзатсиз бўлмайди. Риёзат, яъни, танланган йўлда барча синовларга бардош бериб олға интилиш учун эса фақат ҳақиқий Меҳринга кўмак бера олади.

Меҳрсиз на имон бақувват бўлади, на амал риёзатига инсон бўй беради.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА «ҚАДР»  
ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗГА ХОС НАМОЁН БЎЛИШИ

Маънавият	Сиёсат	Иқтисод
Қадр (Аллоҳ ҳеч бир мавжудотни беҳуда яратмаган)	Мавқе (мақом)	Қиймат (баҳо)

Инсон ўзи ва ўзга қадрини таққослаб ўзаро муомалага киришганда, маънавиятдан сиёсатга ўтилади.

Инсон ўз моддий табиатини ҳам ҳисобга олиб, ўзгалар билан муносабатга киришувида иқтисодий муносабатлар юзага келади.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ИНСОН ҚАДРИ

Инсон иқтисодий, сиёсий ва маънавий майдонда доимо бир хил қадр топа бермайди. Инсон маънавий камолотини белгилловчи омиллардан бири унинг ушбу уч йўналишда ўз қадрини уйғун сақлай билиши билан ҳам белгиланади. Маънавий камолотни фақат маънавият йўналишда ўз қадрини юксалтира билиш деб тасаввур этиш бир ёқламалиқдир.

Инсоннинг фазилатларига қараб (имон-этикоди, илми, амалий кўникмалари, ахлоқий сифатлари ва ҳоказоларга кўра) қадрланиши моддий эмас, маънавий кўринишда бўлади. Мод-

дий қадрланиш эса инсон фазилатларининг амалга татбиқ этилиши билан боғлиқ.

Инсон ўз имкониятларини амалга татбиқ этишдан аввал ўз қадрини илм босқичида англаб этиши лозим. Бу билим амалий фаолиятда икки шартга риоя этишни тақозо этади:

**Биринчи шарт** — инсон ўз қадрига номуносиб ишни ўзига раво қўрмаслиги керак, яъни ўз илм савияси, имони, жамиятдаги мавқеига номувофиқ амални содир этмаслиги керак;

**Иккинчи шарт** — инсон ҳеч ким билан ўз қадрига нолайиқ шароитга рози бўлиб битим тузмаслиги керак, кенгрок маънода олганда, ўзганинг унга нисбатан нолайиқ хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслиги лозим.

### АДОЛАТ

**Адолат** — маънавиятнинг инсонлараро муносабатларда (яъни, сиёсат соҳасида) намоён бўлиши

**Миллий адолат** — ўз миллатига меҳр туйғуси ўзга миллат намоянчасига нисбатан ноҳолис ёндашувга сабаб (баҳона) бўлмаслиги.

**Диний адолат** — ўз эътиқодига содиқлик туфайти ўзга эътиқод эгасига ноҳолис муносабат изҳор этмаслик.

**Сиёсий адолат** — сиёсий ҳокимиятнинг ягона манбаи халқ иродаси деб тан олинishi ва қонун устуворлиги тамойилига қатъий риоя қилиниши.

**Иқтисодий адолат** — бозор иқтисоди қонуниятларига (мулк шаклларини эркин танлаш ҳуқуқи, талаб ва тақлиф эркинлиги, эркин рақобат тамойилларига) риоя қилиш.

**Ижтимоий адолат** — барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг ҳуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.



## ИЖТИМОИЙ ТОНФАЛАР

Ўтмишда:

Дехконлар, ажли хунар (аҳли футува), тижорат аҳли, аҳли  
илм, беқлар ва хонлар, канизлар ва ғуломлар

Бугун:

ижтимоий тонфа	тавсифи	ижтимоий вазифаси	бош маънавий фазилати
Дехкон ("фермер") (чорвадор, боғбон, эквачи)	Миллатнинг боқувчиси	Бирламчи моддий неъматлар етиштирувчи	Табнатга меҳр
Зўли (санъаткор, олим, муаллим)	Миллат тарбиячиси	Маънавий кадрларни шакллантирувчи	Борлиқ ҳақиқатини англаш ва англаштига интилиш
Хунарьанд-қосиб	Қўли гул уста	Саноат соҳасида мустақил ишлаб чиқарувчи	Маҳорат
Тадбиркор (саънатчи, тижоратчи, банкир)	Мамлакатнинг иқтисодий ривожини таъминловчи	Ишлаб чиқариш, тижорат ва моллия ишлари ташкилотчиси	Фаросат
Ишчи	Тадбиркорнинг қули ва оёғи	Ёлланма меҳнат асосида ишлаб чиқарувчи	Меҳнатқашлик
Хизматчи	Тадбиркор ва сиёсий арбобнинг қўли ва қўлоғи	Ёлланма меҳнат асосида турли хизматлар бажарувчи	Ҳозиржавоблик
Сиёсий арбоб (давлат ва бошқа сиёсий ташкилот- ларнинг масъул раҳбарлик лавозимдаги зиёлилар)	Мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини ва ижтимоий барқарорлигини таъминловчи	Сиёсий бошқарув	Миллат тақдири олдидаги масъулиятни хис этиш
Ҳарбий (жангчи ва саркарда)	Миллат ҳимоячиси	Фавқулодда ҳолатларга доимо жанговар ҳозирликда туриш	Фидоийлик

## БОЗОР ИҚТИСОДИ ИҚТИСОДИЙ АДОЛАТДИР

Иқтисод соҳаси — инсон жисмининг моддий воқелик билан амалий муносабатлари.

Иқтисодий муносабатлар — ҳар бир инсоннинг ўз моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзга инсонлар билан турли муносабатларга киришуви.

Инсонлар жамоасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий тарихий шакллари:

1. Ибтидоий (нагурал) хўжалик — ҳар бир инсоннинг ўз моддий эҳтиёжини қондириши учун табиат билан бевосита амалий муносабатларга киришиб, ўз аҳли, малакаси, меҳнати ёрдамида ўзи ва оиласи учун ризқ топиши.

Ишлаб чиқариш воситалари. — ибтидоий.

(Ибтидоий жамоага ҳос етакчи тизим — Ибн Халдун таърифи асосида).

2. Бозор иқтисоди — мулк турларининг хилма-хиллиги, эркин талаб ва таклиф асосида ўзаро маҳсулот алмашувига таянувчи иқтисод тизими (Бу тизимнинг турли ибтидоий шакллари минг йиллар давомида инсонлар жамиятида яшаб келмоқда.)

3. Тотал (ялпи) давлат иқтисоди — барча мулк давлатга қарашли бўлиб, барча ишлаб чиқариш ва тақсимот давлат ихтиёрида бўлиши. (собик СССРда зўрлик билан шакллантирилган ва 70 йил давомида ушлаб турилган (қатъий иқтисодий тузум).

“Бозор иқтисоди” умумий тушунча бўлиб, инсоният тарихий тараққиёти давомида унинг турли шакллари кузатилади. Уларни биров соддалаштирган ҳолда уч тоифага ажратиш мумкин:

а. Ибтидоий бозор иқтисоди — ҳар бир мустақил хўжаликнинг бирор тур ёки йўналишда маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорда уни бошқа маҳсулотга алмашиши. Ишлаб чиқариш воситаларининг ибтидоийлиги сақланиб қолади.

б. “Ёввойи бозор” — бу атама нисбатан шартли бўлиб, ибтидоий бозор иқтисоди ёки ялпи давлат иқтисодидан ривожланган бозор иқтисодига “ўтиш даври”да юзага келиши мумкин. Кўпчилик янги тизимга ўтилаётганлигини аниқ англаб етмаган, янги тизимнинг гўхта илмий асослари ишлаб чиқилмаган, сиёсат ва маънавиятда етарли янгиланишлар рўй бермаган ҳолатда айрим гуруҳларнинг удабуронлик (товламачилик ва тadbиркорликни ўзаро фарқламаслик) майллари авж олиши нағижасида шаклланиди ва оммавий яорозилик ҳамда ижтимоий зиддиятларнинг

кучайишига сабаб бўлади. Асосан янги даврнинг бошларида аввал Европада вужудга келиб, бора-бора бутун дунёда мустамлакачилик системасининг шаклланишига олиб келган. Бугунги кунда дунёнинг баъзи нуқталарида, жумладан, собиқ “социалистик система”нинг емирилиши оқибатида ташкил бўлган янги давлатларда ушбу тизимнинг баъзи унсурлари кузатилмоқда.

в. Ривожланган бозор иқтисоди. Юқори даражада такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларига, юқори технология ва илмий тараққиётга таянган, сиёсатда демократия ва онгли фуқаролик жамияти билан ҳамқадам тараққий этаётган мураккаб кўринишли иқтисодий тизим. Жаҳондаги иқтисодга оид илмлар асосан аша шу ривожланган бозор иқтисодига тааллуқли муаммолар билан шуғулланади.

#### БОЗОР ИҚТИСОДИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

- 1) мулк турларини эркин танлаш имконияти;
- 2) талаб ва таклиф эркинлиги;
- 3) эркин рақобат имконияти;
- 4) бозорнинг ҳар уч йўналиши: маҳсулот, ишчи кучи ва қимматли қоғозлар бозорининг мукамал шаклланганлиги.

#### БОЗОР МАЪНАВИЯТИ

Ҳақиқий бозор иқтисодий адолатдир. Чунки унда ҳеч ким ўз қарашларини бировга зўрлик билан ўтказа олмайди.

Бозор инсонни ўз-ўзини кадрлашга ўргатади, муомала одоби-га ўргатади, ўзгалар меҳнатининг кадрига етишга ўргатади. Бозор ибрат ва тарбия мактабидир.

Инсон ўз яратувчилик меҳнатининг натижасига, бозордаги баҳоси, қийматига қараб, у яратган моддий ёки маънавий бойлик ўзгалар учун қанчалик муҳим ва зарур эканлиги, қанчалик сифатли ва замон талабларига жавоб бера олиши, бошқа турли жиҳатлари асосида муайян даромадга эга бўлади, жамиятда муайян обрў, эҳтиромга, мавқе ва мақомга сазовор бўлади.

Бозор ва маънавият бугунги кунда турли нуқталарда туташув ҳосил қилмоқда. Уларнинг бири эътиқод бўлса, иккинчиси — илм. Яна бири фаросат бўлса, бошқаси — инсонни тушуниш. Эътиқод бозорда инсоф кўринишида намоён бўлади. “Теша бўлмагин, арра бўлгин”, — дейди Амир Хусрав. Чунки теша доим ўзи томонга чопади, пайраха фақат чопаетган киши тарафга тўпланади. Арра

икки тарафга бориб келади, кипик ҳам икки тарафга баробар тўкилади. “Фақат ўзим бўлай”, деган одам узокқа бормайди. “Инсоф сари Барака” — маънавиятини йўқотмаган миллатнинг бозоридаги бош қонундир.

Бозор маънавиятидаги миллий анъаналаримизнинг тикланиши, биринчи навбатда, инсоф ва диёнатни инсонлар қўнғлида қайта уйғотиш зарурати билай боғлиқ.

Инсоф ва диёнат, ҳалоллик, харидорга муносабатда самимийлик ва ҳилм (юмшоқ муомала, ҳалимлик) харидор қўнғлини топишга интилиш, унинг эҳтиёжларини тушуниш — тадбиркор сармоясига Аллоҳнинг баракатини ёғдирувчи маънавий фазилатлардир. Харидор ҳақиқа хиёнат, товламачилик бозорга аралашган одамга ҳеч қачон омад келтирган эмас. Буни бизнинг аждодларимиз яхши билганлар.

Бугунги жаҳон бозорининг муҳим жиҳати — унинг илмий асосга қўйилганлиги. Маркетинг фани, яъни бозорни ўрганиш илми илгари асосан савдогар ё косибнинг фаросатига боғлиқ бўлган бўлса, бугун жиддий тадқиқотлар асосига таянмоқда. Илгари бир минтақани қамраган бўлса, бугун жаҳон миқёсида яхлит фикрлашни тақозо қлмоқда.

Манфаатлар тўқнашуви, рақобат бозор иқтисоди учун хос нарса. Аммо рақобатни курашдан фарқлаш керак. Агар рақобатни кураш деб тушуниб, уни фақат рақибни молиявий синдириш йўллариини излаш сифатида талқин этилса, тадбиркорларнинг рақобати бир-бирига зиён етказиш, ишидан ишқал чиқаришга қаратилса, бундай ёндашув низо ва бузғунчиликка, миллат ва жамиятнинг зарарига қараб юради. Агар рақобат деганда, бир-биридан сифатлироқ, харидоргирроқ, ўзгалар молидан арзонроқ, инсон эҳтиёжига яроқлироқ буюм, мақсулот чиқариш орқали бозорда олдинги ўринларни эгаллашга интилиш, бунинг учун янги технологиялар, унумли иш усулларини излаш йўлидан бориш тушунилса, яъни у ижобий ва ижодий йўналиш касб этса, жамият фаровонлиги, инсон камолотига хизмат қилади. Биз мусулмон фарзандимиз, Аллоҳнинг адолатига имонимиз комил. Ҳар ким экканини ўради, бировга қилинадиган яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир кун, албатта, инсоннинг ўзига қайтади, деб ишонамиз. Биров фойда кўриши учун, албатта, иккинчи одам зарар кўриши шарт эмас.

Инсонни тушуниш, унинг энг нозик талаблари ва дидини ҳисобга олиш иқтисодий ривожланишнинг белгилловчи омилига айланиб бормоқда. Демак, фаросат масаласига борган сари иқтисодий

соҳада кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорга фаросат керак, лекин бугунги маънавият ва маданият соҳаси ходимларига ўн қарра фаросат лозим. Ўз ҳолимизни тўғри идрок этиб, ўзгани ҳам тушунишга интилиб, воқелик ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилмас эканмиз, ўзимизга ҳам, жамиятга ҳам, миллатга ҳам фойдамиз тегмайди. Бозор иқтисодиёти инсонни ўйлашга, фаросатини ишлатишга мажбур қилиши билан қимматлидир.

#### МАДАНИЯТ БОЗОРИ

Маданият инсон маънавиятининг моддий воқелик шаклида намоён бўлишидир. Маданият бозори мураккаб воқеликдир. Бугун жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатларида илм, ахборот, сифат кўрсаткичлари (масалан, дизайн) жумладан, озиқ-овқат сифати борган сари юқори баҳоланмоқда. Шу билан бирга, бевосита маданият соҳасига алоқадор бозор йўналишлари ҳам шаклланиб бормоқдаки, улардан энг муҳимларини санаб ўтамыз:

1. Ахборот бозори.
2. Ақлий меҳнат (маҳсулотлари) бозори.
3. Шоу-бизнес.
4. Маданий хизматлар бозори.

#### ТАДБИРКОР КИМ?

Яратувчилик фазилати инсонга Аллоҳ насиб этган ризқини қўлга киритиши учун бир восита бўлиб хизмат қилади. Инсон ўз ақли, малакаси, меҳнати, касб-кори воситасида ризқини териб ейди. Аммо восита инсоннинг ўзидагина эмас, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Асли инсонлар жамоаси ҳам иқтисодий эҳтиёжларини қондиришда, ҳам маънавий камолотга эришиш йўлида бир-бирлари билан ҳамкорлик натижасида ташкил топади. Бугунги ривожланган бозор иқтисоди тизимига хос хусусиятлардан бири шуки, унда нафақат алмашув жараёни, балки бевосита ишлаб чиқариш ҳам моддий маҳсулот яратувчилар ва истеъмолчилардан ташқари катор воситачилар тоифаси мавжуд бўлишини тақозо қилади. Улар моддий яратувчилик ва истеъмол жараёнининг ташкилий такомиллашуви ва сифат жиҳатидан юксалишида муҳим ўрин тутадилар. Алмашувдаги воситачи тадбиркор қадимдан бизда савдогар қиёфасида мавжуд бўлса, ишлаб чиқаришни ташкил этувчи тадбиркор илгари нисбатан камроқ урф бўлган тоифа вакилидир.

Амир Хусрав ўз вақтида султонлар, яъни ҳукмдорларнинг кўл остидагиларга нисбатан химмат-саховатини назарда тутиб, «сенинг ўз ходимларингга қилаётган иноятларинг тарновдан тушаётган ёмғир суви кабидир», деган эди. Аллоҳ марҳамати билан осмондан оби раҳмат ёмғири ёғади, у, масалан, томда тўпланиб, тарнов орқали ерга шовуллаб тўкилади, тарнов остига пакир қўйиб, бир зумда керакли сувни йиғиб олиш мумкин, аммо ҳеч ким бу сувни тарнов менга берди, демайди, тарновни бир восита деб ҳисоблайди.

Ҳозирги замонда тадбиркор фаолиятини маълум маънода шунга ўхшатиш мумкин. Чунки у ҳам муайян корxonани ташкил этиб, унда турли ихтисосдаги одамларни ёллаб ишлатиб, уларга маош бериб, тирикчилик ўтказишига ёрдамлашар экан, Аллоҳ юборган ризқни одамларга етказишда бир восита вазифасини ўтайди. Бугунги кун жамиятида юзлаб ихтисос эгалари борки, уларга кимдир иш жойи тайинлаб, ўз малака ва билимларини намоен этишга шароит яратмаса, улар на жамиятга фойда етказа олади, на ўз оилалари таъминотини эплайди. Тадбиркор айни шу муаммони ҳал қилувчи инсондир. У жамият учун зарур бўлган бир буюмни ишлаб чиқиш ёки бир хизматни бажаришга қаратилган муайян амалий тизимни вужудга келтириб, уни ҳаракатга солади. Бунинг учун маблағ топади, бино ажратади, асбоб-ускуна ўрнатади, хом ашё, зарурий ёрдамчи воситалар билан таъминлаб, тайёр иш ўринлари ҳосил қилади. Натижада ҳам эҳтиёжмандларнинг иши битади, ҳам инсонлар турмуш кечириши учун воситага эга бўлади. Албатта, тадбиркор ҳам ўзи ташкил этган ишнинг унумига қараб, муайян моддий манфаатларни кўлга киритади. Хуллас, тадбиркор ўз фаолияти билан жамиятга ҳар томонлама наф етказиб, унинг такомилига ҳисса қўшади. Агар сиёсий арбоб, давлат хизматчиси жамият ҳаётининг сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлануви ва ривожига улш қўшса, тадбиркор жамият ҳаётида иқтисодий соҳанинг ташкилотчисидир. У бевосита яратувчилик меҳнати билан шуғулланмаса ҳам, ана шу яратувчилик меҳнати билан шуғулланувчиларга шароит тайёрлаб беради ва улар яратган нарсаларнинг ўзаро алмашинувини таъминлайди.

## ТАДБИРКОРНИНГ БОШ ФАЗИЛАТИ

Илм ва инсоф, риёзат ва фаросат бугунги кун тадбиркорларининг асосий маънавий фазилатларидир.

Тадбиркорнинг бош фазилати — фаросат. Фаросат бўлмаса тадбиркорликка уриниш беҳуда оворагарчиликдир. Фаросат нима? Фаросат, аввало, ўзингни англаш, ўз ҳолингни тўғри идрок этишдир. Иккинчидан, ўзгани тушуниш, ўзгаларнинг эҳтиёжи, хоҳиши, имкони ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қила билишдир. Қолтаверса, фаросат — воқеликни аслига мувофиқ идрок этиш, унга тўғри муносабат ҳосил қила билмоқлик, нафақат тушуниш, балки воқелик талабига мувофиқ тадбир ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ эта билиш ҳамдир. Бу фаросатнинг амалий тарафини баъзан алоҳида ном билан уддабуронлик ёки тадбиркорлик ҳам дейишади. Устмонлик — шайтон васвасасидир, фаросат — Аллохнинг инояти. Шайтон васвасаси бир-икки марта омад келтириб, инсоннинг кўзини шира бостиради, сўнг уни ҳалокатга етаклайди. Фаросат инсонга доимий ободлик келтиради.

Инсон ўз кадрини иқтисодий майдонда ўлчар экан, талаб ва тақлиф уйғунлигини ҳисобга олмоғига тўғри келади. Унинг илми, малакаси ким учун ва қай даражада зарур — мана шу масала унинг иқтисодий майдондаги кадрини белгилайди. Тадбиркорнинг фаросати ёруғ оламдаги ҳар бир инсон, ашё ва мавжудотлар кадрини, жумладан, ўзи ва ўзгалар кадрини, амалий шароитда, муайян макон ва замонда аниқ ўлчовларда англаб ета билиши, шунга мувофиқ тадбирлар тизими ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ эта билишда намоён бўлади. Шу қобилиятни ақл ва билим биланми, табиий салоҳият тўғрисида амалда исбот эта олган одам ҳақиқий тадбиркордир, ва шу йўл билан жамиятга нафти теккан одамнинг нони ҳалол, амали хайрлидир.

## ҲАҚИҚАТ НИМА?

Ҳақиқат — чексиз. Қуръони каримнинг “Бақара” сурасидаги “Оят ал-курси” номи билан машҳур бўлган 255-оят ниҳоятда эл ичида муътабар тутилади. Сабаби, унда Аллох ҳақиқатига жуда ихчам, аммо мукаммал ишора мавжуддир. “Аллох — ундан ўзга илох йўқдир” деб бошланувчи ушбу оятнинг фақат икки жумласини эслайлик: “Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Униқидир”..., “Унинг курсийси Осмонлар ва Ердан (ҳам) кенглик қилур”, деб ўгиради уларни мухтарам таржимон.

Миллий маънавиятимизда Борлик ҳақиқати Тавҳид эътиқодида ифодаланади. Барча буюк аждодларимиз ана шу улғу ҳақиқатни тушуниш учун интилиб яшаганлар ва ҳар қим ўз ҳоли даражасида уни тавсиф ва талқин этишга уринган. Назаримизда, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonида ушбу талқин энг мукамал суръатда ифода этилган. Биз ундан бир ривоятнинг насрий баёнини келтириш билан чекланамиз. Шоир “Маърифат водийси” таърифини бергач, уни изоҳлаш учун Санойидан бир ривоят келтиради:

“Эшит, бунга ушбу можаро жуда муносиб мисол бўла олади. Нақл қилишларича, бир гуруҳ кўрлар тўдаси бир сабаб билан: мусофирлик ёки асирлик туфайли Ҳиндистонга бориб қолишибди. Сўнгра фалакнинг гардиши билан улар ўз юргига қайтиб келишибди. Бу ерда улардан бир киши: “Филни кўрдиларингизми?” — деб сўрабди. Улар: “Ҳа”, — деб жавоб берибдилар. “Кўрган бўлсангиз, далил келтиринг”, — дебди бояги киши.

Улар аслида филни кўрмаган, у ҳақда хатто яхши сўраб ҳам олмаган эдилар. Ҳар бири филнинг бир аъзосини пайпаслаб, ундан билим ҳосил қилиб олган эди. Шу сабабли филнинг қўлларини ушлаган киши фил устунга ўхшар экан, деса, қорнини пайпаслаган, йўқ, у беустун, деди. Харғумини ушлаган, фил аждаҳога ўхшаш бир нарса экан, деса, тишларини баён қилувчи киши эса, фил иккита суякдан иборат, деди. Қўйругидан хабар берган киши филни осилиб турган илонга қиёс этди. Қўли билан филнинг бошини пайпаслаган киши уни бир чўккининг тумшуги деб шарҳ қилди. Филнинг қулоғига қўл етказган киши уни кимирлаб турган икки етпигич экан, деди. Уларнинг барчаси шу тарика кўрлик юзасидан турли сўзлар айтдилар. Гарчи улар айтган сўзларнинг барчаси тўғри бўлса-да, уларнинг ҳаммаси нуқсонли эди, уларда тартиб мавжуд эмас эди.

Шунинг учун ҳам филбонлик соҳасида устод ҳисобланган етук файласуф, ўзи хинд наслидан бўлган киши, улар айтган сўзларни тинглаб, нақл қилганларга таъна сўз айтмади ва шундай деди:

- Ҳар бир киши фил ҳақида ўзи билганларини айтиб, у ҳақда нишон берди. Улар бир-бирларига зид фикр айтган бўлсалар-да, кечирарлидир. Чунки уларнинг ҳар бири ўз билганича сўз айтди, аммо улардан ҳеч бири филни кўрган эмас эди. Лекин улар айтган бу сифатларнинг барчаси бир ерга жамъ қилинса, улардан фил ҳақида муайян тасаввур ҳосил бўлади.

Узоқни кўрувчи кишига бу жуда яқин бўлгани учун у ҳеч иккиланмасдан кўрлар айтган барча сўзларни чин деб баҳолади.”<sup>23</sup>



Юқоридаги оятда яна ишора қилинади: "(Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаганича ўзлаштирурлар." Демак, ҳар бир инсоннинг билимлари чегарали. Шу сабабли Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш учун, аввало, инсонлар бир-бирига эътибор қилиши, бир-бирини тушунишга интилиши лозим. Табиатни, ундаги ҳар бир заррани, майсани, тирик жонни тушунишга интилиб яшамок, доим ўзгани тушунишга интилмоқ — маънавият йўли шудир.

#### БИЛИМ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Қуръон оятлари мазмунидан келиб чикдиган бўлсак, билим (яъни илм), аввало, 2 турга ажралади:

1) Илоҳий билим — фақат Аллоҳга тегишли бўлган чексиз-чегарасиз, азалий ва абадий билим бўлиб, инсонларга у ваҳий сифатида пайғамбарлар орқали нозил этилади. Уни инсон имон билан қабул қилади, рад қилиш ҳам, исбот қилиш ҳам инсон қудратида эмас. Бу — инсонлар ўз тафаккур қудрати билан била олмайдиган билим, мутлақ ҳақиқатнинг инсонлар тилида ифода-ланади;

2) инсоний билимлар — инсоннинг ер юзида халифалик мақомидан келиб чиққан ҳолда унга яратилишидан берилган тафаккур ва таҳлил қобилияти туфайли ҳосил қилинади, нисбий, яъни номукамал ва адашувлардан холи бўлмаган билим.

Ҳар бир инсон алоҳида олганда Борлиқ ҳақиқатини тўлиқ қамраб олиш қудратига эга эмас. Бу қудрат фақат Аллоҳга хосдир. Бу нисбийлик, адашувга мойиллик, унинг ақлига нафс аталувчи шайтоннинг доимо таъсир қилиб туриши билан ҳам боғлиқ.

Ваҳий орқали келган билим адашувлардан холи мутлақ билим. Аммо илоҳий китоблар инсоний тил билан баён қилинганлиги сабабли инсонлар томонидан турлича талқин этилиши мумкин.

Демак, фақат ўзи таҳлил ва тафаккур билан эришган билимларига ишониб қолмай, ўзгалар билимини ҳам эътиборга олмоқ, ўзи ва ўзгалар билимини холис қийслаб, ўз ҳавойи-нафсидан Ҳақ билими, яъни ҳақиқатни устун қўя билмоқ керак.

3) Билимнинг яна бир тури ирфоний билим бўлиб, унга ҳам илоҳий илҳом билан эришилади. Аммо у бошдан-оёқ рамз ва ибратлар орқали берилади, унда аниқ ҳукмлар ҳам, аниқ хабарлар ҳам йўқ. Ирфоний билимларни ҳақиқат эканлигини исбот қилиш мумкин эмас, аммо уларни инобатга олмаслик ҳам адашувга олиб келиши мумкин.

Инсоний билимлар бир нечта турга бўлинади:

а) ўзга инсонлардан етиб келган билимлар, яъни нақлий билимлар;

б) инсон ўз тафаккури билан етишган билимлар, яъни аклий билимлар.

Инсоннинг ўзи мустақил эришган билимлари яна бир нечта турга бўлинади: ҳаётни кузагиб ва таҳлил этиб ҳосил қилинган билимлар; мантиқий билим, яъни билган нарсаларини ўзаро фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилинган билимлар, амалий фаолият жараёнида ёки ўрганиш билан ҳосил қилинган малака ва кўникмалар шаклидаги билим.

Ушбу барча билим турларининг ўзаро мувозанатда сақланиши ниҳоятда муҳимдир.

Мантиқий тафаккур натижасида эришилган назарий билим ва инсоннинг амалий фаолият жараёнида ҳосил бўлган амалий малака ва кўникмалари ўзаро уйғунликда олиб қаратиши мақсадга мувофиқ бўлса, иккинчидан, инсоннинг ўзи эришган ва ўзгалар ҳосил қилган билимлари ҳам уйғунлаштирилмоғи зарур.

Ўзгалар билими деганда, яна икки гуруҳ билим назарда тутилади:

а) сизнинг атрофянгидаги, сиз билан жонли мулоқотга киришиши мумкин бўлган инсонлар билими;

б) ўтмиш аجدодлар ва бугун инсониятдан манбалар орқали етиб келган билим:

Бу билим ҳам икки турга бўлинади:

а) ёзма матн ҳолидаги билимлар,

в) турли ашёларда муҳрланган амалий билим нагижалари.

Бу икки билимни англаб етиш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

Демак, ҳар бир инсон ўзининг назарий ва амалий билимларини, ўзи ва ўзгалар ҳосил қилган билимларни, ўтмиш аجدодлар ва замондошлар билимларини, илоҳий китобларда ҳидоят учун берилган билимлар билан инсон тафаккури ҳосил қилган билимларни қиёслаб ва ўзаро уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб борса, унинг адашув эҳтимоли камаяди ва бунда билимлар ишончлироқ бўла боради.

Аклий билимлар икки хил йўналишда ҳосил қилинади:

1) мантиқий тафаккур орқали;

2) моделлаштириш орқали. Моделлаштириш — а) қиёсий (яъни и, ўхшатиш орқали), б) рамзий-мажозий, в) илмий-манти-

кий тушунчаларга таянган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Моделлар икки турга бўлинади:

- 1) рамзларга таянган модель;
- 2) мавҳум атамаларга таянган модель.

Бадий адабиёт асосан рамзий-мажозий моделлаштиришга таянади. Илмий адабиёт учун рамзий модель биринчи босқич вазифасини ўтайди. Мавҳум атамаларга таянган иккинчи модель кўпроқ фалсафий тизимларга хосдир. Яна математик моделлар ҳам (турли геометрик шакл ва формулалар тарзида) учрайди.

Тажрибавий билимга ҳам икки йўл билан эришилади:

- а) ҳаёт тажрибаси орқали;
- б) махсус тажрибалар туйғули.

Яна бир бўлинишни эслаб ўтиш жоиз:

**Аниқ ва табиий фанлар.** Булар инсоннинг моддий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган, уларни аниқ билиш лозим, тахминийлик бу ерда тахмин даражасида қолади. Бу билим билан на илохий, на ирфоний билимларни ҳосил қилиб бўлади, моддий воқеликдан ташқари чиқмоқчи бўлинса, тажовуз бўлади, адашувга олиб келади, ғайри илмга айланади;

**ижтимоий-сиёсий, аникроғи, инсонлараро муносабатларга оид билимлар.** Буларда бир натижага эришиш учун ҳам илохий, ҳам ирфоний, ҳам ақлий, ҳам нақлий билимларга таяниб иш юритиш керак бўлади. Бирортаси ҳисобга олинмаса, хатога йўл қўйиш эҳтимоли кўпаяди.

## ТАҚДИР ВА ТАДБИР

(Хулоса)

Куръони каримнинг “Нур” сураси 35-оятда “Аллоҳ осмонлар ва ернинг “нури”дир”, деб ҳидоят этилган. Кимнинг дил кўзгуси ушбу нур ила мунаввар этилган бўлса, ўша инсон маънавиятлидир. Бир содда моддиюнчи “Маънавият инсон қалбида акс этган илохий нурдир” деган таърифни маҳкам ушлаб “маънавият — нур” бўладиган бўлса, “нур” моддий нарса, демак, маънавият ҳам моддий экан, деб туриб олса нима бўлади? Инсон тили ва тафаккурининг ожизлиги шундай ўринларда билинади. Ахир, илохий китобнинг юқорида келтирилган жумлалари Аллоҳ ҳақиқатига ишора, рамзку!

“Нур” бу ўринда илмий атама эмас, рамзий тимсол. Аллоҳ ҳақиқати беҳудуд, инсон онги ва тасаввурлари эса чекли. Шу

сабабли, Тавхид хақиқатига фақат ишора қилиш мумкин, таъриф бериб бўлмайди. Инсон илми чекловчи илмдир. Ҳақ илми — чегарасиз. Шундай экан, биз ожиз бандалар маънавият назарияси хақида нима ҳам дея олардик? Фақат баъзи нисбатлар, рамз ва ишоралар билан чекланишга тўғри келади.

Маъно Аллоҳга тегишлидир. Борлиқнинг маъноси Аллоҳ хақиқатидан ўзга эмасдир. Уни Ҳақ дерлар. Маънавият эса инсон кўнглида Ҳақ нурининг акс этишидир. Шу сабабли маънавият Борлиқ янглиг бепоён. Инсон ақли бу бепоёнликни қамраб ола биладими? Даҳриёна тафаккурнинг энг ожиз томони шуки, инсон ақлининг ноқислиги аниқ-равшан бўла туриб, такаббурликка берилади, “дунёга ёлғиз ўзим хўжайинман” демоқчи бўлади. Биз инсонларнинг даҳрийлигимиз ҳам, бутпарастлигимиз ҳам ақлимизнинг ноқислиги, тахайюлимизнинг ожизлигидандир.

Юқорида бошланиши эсга олинган оят хулосасида “Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни хидоят қилур”, деб иноят этилган. Демак, ихтиёр Ўзида, бизда эмас. Буни тақдир дейдилар. Инсон зотининг барча хатти-ҳаракати эса гадбир, ҳолос. Тадбир амалга оширилади, аммо мақсад қўлга кирадими, йўқми, инсон олдиндан башорат эта олмайди. Нима қилиш керак? Наҳот қаерда?

Алишер Навоийнинг буюк “Ҳамса”си ибрат ва ишоратлар қомусидир. Унинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи боби (“совет” даврида бу боб кўпчилик нашрларда тушириб қолдирилган) “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” илохий калимасининг мажозий шарҳига бағишланган. Унда бу табаррук калиманинг ҳар бир ҳарфига икки карра бадий шарҳ берилган. Нега икки карра? Чунки биринчи шарҳ — “аҳли қабул” учун, иккинчиси “аҳли рад” учун.

*“Қилгувчи бу бодия қатъига майл,  
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл”.*

Инсон учун имтиҳон майдони бўлмиш бу дунё ҳаётига қадам қўйган ҳар бир шахс ўзига икки йўлдан бирини танлайди — инсоф ва диёнат, сабр ва ризолик, ҳалоллик ва меҳр йўлини ёки норизолик ва бадбинлик, хиёнат ва худбинлик, ҳаром ва қаҳр йўлини. Бири — адолат ва нурга, иккинчиси — залолат ва зулматга бошлайди. Ҳар биримизнинг Аллоҳдан тилагимиз саодатманд тақдир эрур. Аммо зулму зулмат сари қадам босиб, келажакдан яна нуру ёғду умид этсак, ўзимиз ҳаётда хиёнат ва қаззобликни

шиор килиб, Аллоҳдан раҳмату шафоат кутсак, Яратганнинг адолатига шак келтирган, ҳатто тухмат этган бўлмаймизми?

Инсон ўз тақдири ни олдиндан билмайди. Шундай экан, ким “ахли қабул” бўлса, ўзгаларга меҳру савобни раво кўрса, ҳаётга яхшилик умиди билан қараса, эл-юрт олдида, инсонлар олдида, Ҳақ олдида ўзини масъул билиб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатса, унинг тақдири ҳам хайрли тадбирга мувофиқ бўлиб чиқса, не ажаб.

Агар ким ҳаётдан, ўзгалардан доим норизо бўлса, дилини худбинлик чирки қоплаб, бировга яхшилик раво кўришга оғриниб турса, ўзбекнинг аччиқ маталига биноан “келтир менга, йўқдир сенга” шиорини байроқ қилиб, фақат ўз нафсини кўзласа, инсоф ва диёнатни ёлғон ва ҳиёнатга тамом алмаштириб олган бўлса, унинг барча тадбирлари охири бориб пуч бўлиб чиқса, ишонганлари саробга айланса, ушбу тақдири ниятига, тадбирига яраша бўлмайдимиз?

Яна бир мулоҳаза.

Агар бу дунёда қилган гуноҳларингиз, йўл қўйган хатоларингиз учун шу дунёда жазо олсангиз, ажрини тортсангиз, Аллоҳга минг шукр этинг-ки, ўзи сизга иноят этибди, сиздан раҳматини дариг тутмапти. Аммо гуноҳ устига гуноҳ, хиёнат устига хиёнат, ёвузлик устига ёвузликни қимки қалаштириб ташлаётган бўлса-ю, ишлари кундан-кунга “ривож олиб”, омади “олга босиб” кетаётгандек кўринса, ундай зулмат бандаси Аллоҳдан кўрксин, тақдири олдида титроққа тушсин-ки, Ҳақ ундан тамом юз ўгирган, охирати буткул куйиб кетмаганмикин? Инсон умид билан яшайди. Аммо ўз умидига мувофиқ яшаса, эзулик сари йўналган тадбирни ният қилса ва шу йўлда собитқадам бўлса, иншоллох, зарар кўрмагай. Яна Аллоҳ билгувчидир.

Валлоҳу аълам биссаваб.

Истаб-истамай, онгли ёки онгсиз равишда гуноҳ йўлига тушганлар, хато қилганларга қарата эса Мавлоно Жалолиддин Румий шундай бир сўз айтган эди:

*Этироз этма, етар деб, эй фалон,  
Тавба эшиги очиқдир ҳар қачон...  
Бир эмас, саккизта жаннат қопқаси,  
Тавба эшиги аталмиш биттаси.  
Ул эшиклар гоҳ очиқдир, гоҳи берк,  
Тавба эшиги бекилмайдир ва лек.*

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. — Т., Ўзбекистон, 2005. 43-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. — Т., Ўзбекистон, 1998. 125-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т., Ўзбекистон, 2003. 33-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг иккинчи қақирма Олий Мажлисининг туққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қондаларини кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури. — Т., Ўзбекистон, 2002. 29-б.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. — Т., Ўзбекистон, 1996. 7-бет.

<sup>6</sup> Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. — Т., Ўзбекистон, 2003. 34-бет

<sup>8</sup> “Ойина” (1914-1915 й.) — Т. Академия, 2001. 42-бет.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. — Т., Ўзбекистон, 1998. 135-бет.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. — Т., //Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

<sup>12</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. — Т., Маънавият, 2000. 34-б.

<sup>13</sup> Курьонни карим. — Т., 2001. (Иқтибослар Абдулазиз Мансур таржимаси асосида берилди. Фақат баъзи махсус эслатишлар ўринларда ушбу таржимадан четга чиқилди.)

<sup>14</sup> Бу босқич асли “маърифатуллоҳ” дея аталиб. “Хакни таниш” маъносини билдиради. Маъжозий кўёсда пирин мурид кулолга, мурид лойга. “тавба” маъноси лойнинг хас-хашакдан тозаланишига. “маърифатуллоҳ” босқичи хумдонга ўхшатилади. Бу “хумдон”нинг олови эса “ишқи итоҳий”дир.

<sup>15</sup> “Имагиниши” (русча “воображение”) — асотир тафаккур. фалсафий ва бадний тафаккурнинг асосий қуроли экани таниқли рус олим Я. Голосовкернинг “Логика мифа” китобида ишонарли исбот килиб берилган.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 14-жилд. — Т., Фан, 1998. 24-б.

<sup>17</sup> Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. — М., Наука, 1980. с. 238.

<sup>18</sup> Ситтайит Фаридиддин Аттор (ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инвентар №813), 17а-варак.

<sup>19</sup> Амир Хусрау Дихлави. Ширин и Хусрау. — М., Наука, 1979, с. 40

<sup>20</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 1983, — Т., 54-б. (Ушбу учинчи ишқ таърифи қарамлик даврида оммавий нашрларда тушириб қолдирилган ва фақат араб ёзувида босилган йиғма нускадагина мавжуд эди. Биз уни тушунарли бўлиши учун фақат насрий баёнда ифода этдик.)


<sup>21</sup> А. Каюмов. Садди Искандарий. — Т., 1975, 49-56-б.

<sup>22</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., Ўзбекистон, 1996.

<sup>23</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. — Т., 1991, 402-б. (насрий баён муаллифи Ш.Шапилов)

## МУНДАРИЖА

Маънавий янгилашиш, миллий маънавий негизларга таяниш — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох этишнинг зарурий шарти . . . . .	3
Инсон ва жамият ҳаётининг уч соҳаси . . . . .	6
Маънавият нима? . . . . .	17
Миллий маънавиятимизнинг тарихий тақомили . . . . .	18
Миллий маънавиятимиз тарихий тақомилини ўрганишда манбалар аҳволи . . . . .	18
Исломгача миллий маънавиятимиз тақомили . . . . .	19
Ислом оламидаги маданияти даврида миллий маънавиятимиз тақомили . . . . .	19
Сунна босқичининг асосий ютуқлари . . . . .	20
Ислом маърифатчилиги босқичининг асосий ютуқлари . . . . .	21
Ислом маърифатчилиги босқичида шаклланган борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари . . . . .	22
Ислом оламидаги асосий тасавуф тариқатлари . . . . .	23
Сўфийлик йўлини ихтиёр этганларнинг маънавий камолот босқичлари . . . . .	24
“Мажоз тариқи” нима? . . . . .	24
Янги даврда миллий маънавиятимиз аҳволи ( XVI-XX асрлар) . . . . .	54
«Миллий маънавиятимиз асослари» фани билан маънавият соҳасига алоқадор бошқа фанлар нисбати . . . . .	56
Тафаккур турлари . . . . .	57
Тавҳид ҳақиқати . . . . .	59
Миллий маънавият назариясини шакллантиришнинг умумметодологик асослари . . . . .	59
Шаҳс маънавий тарбиясининг тақомил босқичлари . . . . .	60
Ҳақиқатни англаб етиш босқичлари ёки бош маънавий кадриятлар . . . . .	60
Ватанни англаш босқичлари . . . . .	60
Инсон ва шаҳс . . . . .	60
Шаҳс маънавиятининг асосий жиҳатлари . . . . .	61
Шаҳс ва миллат . . . . .	61
Маънавиятда «кадр» тушунчаси . . . . .	62
«Кадри» тушунчаси ва маърифатнинг турли босқичлари . . . . .	62
Жамият ҳаётининг турли соҳаларида «кадр» тушунчасининг ўзига хос намоён бўлиши . . . . .	63
Ижтимоий ҳаёт ва инсон қадри . . . . .	63
Адолат . . . . .	64
Ижтимоий тоифалар . . . . .	65
Бозор иқтисоди иқтисодий адолатдир . . . . .	66
Ҳақиқат нима? . . . . .	71
Билим турлари ҳақида . . . . .	73



Муҳаммаджон Имомназаров  
Улугбек Саидов

## МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ

*Ўқув қўлланма*

“Akademiya”

Тошкент — 2005

Мухаррир Б.Умаров  
Мусахҳиҳлар М.Абдуллаева, М.Умирова  
Рассом Р.Султонов  
Техник муҳаррир Ф.Бўриев  
Нашр учун масъул Ш.Ғаниев

Оригинал макет “KURO-PRINT” масъулияти чекланган жамиятининг компютерида “Page Maker” прогарммасида саҳифаланди

Теришга берилди 13.10.05. Босишга рухсат этилди 21.11.05. Бичими 84x108/1/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 5,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,0. Адади 500. Буюртма №06/11. Баҳоси шартнома асосида.

“KURO-PRINT” масъулияти чекланган жамияти, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 28.